
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 25 август Шанба
№ 161 (13.597).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Ульянов ноҳиясидаги Ўзбекистон ЛКЁИ 50-йиллиги номли давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган Гагарин номидаги мактаб ўқувчилари янги ўқув йилидан бошлаб замонавий бинода ўқийдилар. Бино 624 ўринли бўлиб, у компьютер синф билан жиҳозланган. Бу йил Қашқадарё вилоятида 14 та янги мактаб очилди. Уларнинг ҳаммаси қишлоқларда қад ростлаганлиги, айниқса, қувончли ҳолдир. Бундан ташқари 33 та мактаб янги бинога кўчиб ўтди.

СУРАТДА: Гагарин номидаги мактабнинг компьютер синфини янги ўқув йили арафасида яна бир бор кўздан кечиришяпти.

Ш. ШАРОПОВ сурати. (ЎзТАГ).

Эртага—Шахтёрлар куни

МАШАҚҚАТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ҲУЗУРИДА

3 миллион 217 минг тонна. Жумҳуриятимиз пойтахти вилоятидаги Ангрен кўмир кони шахтёрларининг ўтган 7 ой мобайнида истеъмолчиларга юборган маҳсулоти ана шунчани ташкил этди. Бу ангренлик кончилар кўзда тутганидан анча зиёддир.

Бу ерда ҳар доим ҳаёт қайнайди. Фақат ер устида эмас. Кўпроқ ер қаърида. Ўнлаб метрлар чуқурликда. Эрта тонгдан то смена тугагунга қадар уларни фақат ана шу ердан топиш мумкин, холос.

Кончиларнинг бажарадиган юмушлари кўпчиликка аён. Уларнинг касби билан боғлиқ кейинги вақтда тез-тез қулоққа чалинаётган гап-сўзлар ҳам таниш. Мамлакат шахтёрлари ўз ҳақларини талаб қилмоқдалар. Уларга яратилаётган ижтимоий, маданий-маиший шароитларни янада яхшилашларини талаб қилмоқдалар. Бунинг учун эса курашнинг турли йўлларидан фойдаланмоқдалар. Хўш, жумҳуриятимизда бу соҳада нима гаплар? Уларга яратилаётган қулайликлар қониқарлими? Ангренлик кончилар ҳузурида бўлганимизда кўпроқ ана шулар ҳақида сўраб-суриштирдик.

— Шахтамиз маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси ташкилоти томонидан кончиларимизнинг ижтимоий турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди 9-шахта касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Мамашариф Ҳасанов.

— Биргина жорий йилнинг ўзида кончиларимиздан 50 нафарини уй-жой билан таъминлашни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари кўплаб шахтёрларимиз якка тартибда турар-жой қуриш учун ер олишди. Бу билан ҳамма ишларимиз силлиқ кетяпти, деб бўлмайди. Уй-жойга муҳтожларга эътибор масаласини олайлик. Уларга ер бераяпмизу, аммо қурилиш материалларидан дарак йўқ. Бори ҳам ҳеч кимни қаноатлантирмайди. Шунингдек кончиларимизнинг кўпчилиги болаларини боғча-яслиларга жойлаштиришда анча қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Касабачилар етакчиси кончиларни тоза ичимлик суви, газ билан таъминлашдаги жумҳурият Президентининг Фармонига боғлиқ тадбирларнинг бажарилиши ҳақида тўхталди. Хусусан, кўпчилик кончилар тоза ичимлик суви ҳамда газ билан таъминланмаган. Бу борада кончилар Ангрен шаҳри раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳали кўп ишларни қилишлари керак. Тўғри, СССР халқ депутати Имом Искандаров билан биргаликда ҳозиргача Янги Ангрен ГРЭСигача табиий газ келтирилиши режалаштириб қўйилди.

Шахта кончилари август ойида 40 минг тонна кўмир қазиб олишга аҳд қилганлар. Бугун улар зиммадаги топшириқни бажариш арафасида турибдилар. Ана шундай катта ҳажмдаги ишларни бажаришда шахта кончиларининг 90 фоизини ташкил этаётган ёшлар барчага ўрнак кўрсатмоқдалар. Илғор кончи Али Рўзиқулов ана шундайлардан бири: — Шу шахтада саккиз йилдан буён ишлайман. Дадам ҳам худди мана шу жойда 30 йил кўмир қазиганлар, — дейди у. — Ҳозир пенсиядалар. Аммо анъанани давом эттиришни мен ўз зиммамга олганман.

9-шахта кончилари ҳам қатор йиллар давомида ўзларининг касбкор байрамларини дабдабали нишонлаб келганлар. Тўғрироғи, шундай нишонлаттиришган.

— Замон жиддийлашиб қолган, — дейди Оғамет ака Жамолаҳмедов. Оғамет аканинг миллати озарбайжон. Унинг бу ерда ишлаётганига 35 йил чамаси бўлди. — Турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек, ишлаяпмиз. Ер остида ишлагандан кейин бу нарса айниқса, муҳим экан. Яқинда мамлакат шахталари кончилари иш ташлашди. Митинглар ўтказишди. Ўша куни бизнинг 9-шахтамиз жамоаси иш ташлаш қилмади. Аммо катта йиғин бўлди. Барча талаб ва истакларимизни раҳбарлар ҳукмига ҳавола этдик.

...Шу куни яна кўплаб кончилар билан суҳбат қурдик. Улар ўз меҳнатлари ҳақида қанчалик гапирган бўлсалар, муаммолари хусусида ҳам шунчалик куйиниб сўзладилар. Маъмурият эса кончиларга юз тутмоқда. Истагимиз, амалда ҳам машаққатли касб эгалари кўрсатиладиган ғамхўрликларни ҳар дақиқада ҳис қилиб турсалар. Зеро, хонадонларимизга илиқлик олиб кирадиганлар ҳам ана шу шахтёрлар.

Абдуолим ИНОҚОВ,
жумҳурият радиоси Саноат бош редакциясининг катта муҳаррири.

«БИЛИМ»—ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЯНГИ НАШРИЁТ

Нукус матбаа комбинати конвейеридан «Билим» нашриёт маркаси билан миллий мактаблар биринчи синф ўқувчилари учун янги дарсликлар чиқди. Жуда яхши безатилган «Хариплик» («Алифбо) ва «Хат тану» («Ёзув») эндиликда мустақил мақомга эга бўлган «Қорақалпоғистон» нашриёти ҳузуридаги ўқув-методик адабиётлар редакцияси кучғайрати самараси бўлди.

— «Билим» давлат ўқув-педагогик нашриёти хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда, — дейди унинг директори Аваз Турдимуратов. — У банкдаги ўз мустақил балансига, ҳисоб-китоб счётига эга бўлиб, юридик шахс ҳисобланади ва социалистик давлат корхонаси тўғрисидаги қонун асосида ишлайди.

Янги нашриётнинг асосий вазифаси мухтор жумҳуриятда жуда камчил бўлиб турган ўқув ва методик адабиётлар чиқаришдан иборатдир. Миллий мактабларнинг бошланғич синфлари дарсликлар етишмаслигидан айниқса қийналмоқда.

Собиқ ўқув-методик адабиётлар редакцияси ушбу ўқув йилига умумий тиражи 887 минг нусхадан иборат 55 хил дарслик тайёрлади.

«Билим» нашриёти қорақалпоқ тилида «Мактаб кутубхонаси» туркумини чиқаришга киришди. Келаси йили яна 54 хил дарслик ва методик қўлланма чиқариш режалаштирилган.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИДА

22 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-ширкати қўмитаси, Савдо вазирлиги ва сув хўжалиги қурилиши Давлат қўмитаси коммунист раҳбарларининг хўжасизликка қарши кураш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қабул қилинган қарорда бу соҳада сарфланаётган куч-ғайратларга қарамай, мазкур вазирликлар ва қўмиталарга қарашли кўпгина корхоналарда, ташкилотларда ва хўжаликларда социалистик мулкни ўғирлаш, моддий-техника бойликларини нобуд қилиш кенг миқёсда давом этаётганлиги таъкидланди.

Биргина Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-ширкат қўмитаси бўйича 1989 йилда жами 20 миллион сўмлик 21,3 мингта ўғирлик ва камомад ҳоллари аниқланди. Корхоналар ва ташкилотларнинг 199 раҳбари, 249 нафар ҳисоблаш-бухгалтерия ходимлари ўғирлик содир этишда қатнашдилар. Қўмита катта камомадларга, ўғирликка ва товар-моддий бойликларни нобуд қилишга йўл қўйилмаган бирорта тармоқ, бирорта бўлинма йўқ, бироқ етказилган зарарни қоплаш ҳисобига жиноятчилардан фақат 6,4 миллион сўмлик пул, қимматбаҳо буюмлар тортиб олинган ва мол-мулки рўйхатга олинган.

Бундай вазият жумҳурият Давлат сув хўжалиги қурилиши қўмитасида ва Савдо вазирлигида ҳам юз бермоқда.

Бюро Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик давлат-ширкати қўмитаси (ўртоқ В. Г. Размаев), Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги (ўртоқ М. З. Усмонов) ва Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги қурилиши қўмитаси (ўртоқ Т. Б. Боймиров) коммунист раҳбарларининг эътиборини хўжасизликка қарши кураш ишларининг қониқарсиз эканлигига, корхоналар ва ташкилотлар фаолияти учун талабчанлик ва назоратнинг пастлигига қаратди ҳамда хўжасизликни тугатишда туб бурилишни таъминламасалар, қаттиқроқ чоралар кўрилиши ҳақида уларни огоҳлантирди.

Ўзбекистон ССР прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг коммунист раҳбарларига бир йилдан кўпроқ вақтдан буён тергов қилинаётган ўғрилик, камомад ва нобуд қилишга доир материалларни шу йилнинг охиригача пухта текшириш, коммунист депутатларга, Ўзбекистон ССР Олий Шўроси қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг аъзоларига эса ташаббускорлик асосида ўғриликка, камомадга, товар-моддий бойликларни нобуд қилишга йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳақидаги масалани ишлаб чиқиш топширилди.

Шу куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котибиятининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Олий Шўроси Президиуми ва Вазирлар Кенгашининг «Колхозчилар, совхоз ишчилари ва фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ҳамда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида» 1989 йил 15 августдаги қарори қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Мазкур қарорда ўртага қўйилган кўпгина долзарб масалалар аслини олганда ҳал қилинмай қолинганлиги таъкидлаб ўтилди. Масалан, жумҳурият Қишлоқ хўжалик давлат-ширкати қўмитаси аслида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган қўшимча қувватларни ишга туширишни барбод қилди ҳамда ғишт заводлари қуриш топшириқлари бажарилишини таъминламади. Вилоят ижроия қўмиталари, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги ва «Ўзбекбирлашув»нинг якка тартибда уй қурувчиларнинг бинокорлик материалларига эҳтиёжларини қондириш юзасидан таъсирчан чораларни кўрмадилар. Қишлоқ аҳолисига бузоқлар, қўзи ва улоқлар, парранда, ем сотиш чинакам йўлга қўйилмади. Қишлоқ ва даҳа Шўролари янгитдан ажратилган ер участкаларидан фойдаланишни назорат қилмадилар, кўпгина участкалар бўш турибди, қишлоқ хонадонларининг ярмидан ками билангина маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган. Ер ажратиб беришда, қарзни расмийлаштиришда ва бошқа масалаларда жуда кўп бузилишларга йўл қўйилмоқда.

Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Жиззах вилоят партия қўмиталарининг котиблари ҳамда вилоят ижроия қўмиталарининг коммунист раислари, Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, «Ўзбекбирлашув», «Пахтачилик машиналари» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон агробанки, Ўзбекистон уй-жой-ижтимоий банкининг коммунист раҳбарлари ер участкаларини ажратиш, меҳнаткашларнинг уй қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни юритишлари учун зарур бўлган бинокорлик материалларига эҳтиёжларини қондириш масалалари қисқа муддатда ҳал этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг аграр сиёсат масалалари комиссияси таркибида партия, шўро ва хўжалик органларининг мазкур қарорни бажаришга доир фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбасини тузишга қарор қилинди.

«Шарқ юлдузи» жаридасининг биринчи сони чиққан куннинг 60 йиллиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Жумҳуриятдаги энг кекса даврий нашрлардан бири бўлган «Шарқ юлдузи» жаридаси Шўро Ўзбекистони адабиётини ривожлантиришга, унда партиявийлик ва халқчиллик ленинча қоидалари қарор топишига катта ҳисса қўшди. Ойноманинг ҳиссасига у ҳар йили келтирадиган бир ярим миллион сўмлик фойдагагина қараб эмас, балки биринчи навбатда ёш истеъдодли ёзувчиларнинг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирганига, қардош халқлар маданиятларининг бир-бирини бойитиш жараёнларини ривожлантиришга кўмаклашаётганига, иттифоқдош жумҳуриятларда ўзбек адабиёти ютуқларини тарғиб қилишига қараб баҳо берилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон ССР Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда комиссия тузишга ҳамда «Шарқ юлдузи» ойномаси биринчи сони чиққан куннинг 60 йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Вилоят, шаҳар, ноҳия фирқа қўмиталарига жойларда «Шарқ юлдузи» ойномаси кунларини ўтказишда ҳар томонлама ёрдам бериш топширилди.

Шу сонга хабар

Вилоят комсомол қўмитаси пленуми

БУХОРО. Бу ерда вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Жумҳурият комсомолининг навбатдаги съездини ўтказиш учун қизғин тайёргарлик жойлардаги комсомол ташкилотлари, йигит ва қизларни ҳам фаолликка ундаяпти.

Пленум ишида ҳам бу долзарблик сезилди. Унда «БЛКЁИ XXI съезди якуни, Ўзбекистон Комсомолининг XXIV съезди олдидан вилоят комсомол ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўрилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Х. Жумабоев маъруза қилди. Маъруза муҳокамаси қизғин бўлди ва унда кўплаб комсомол ходимлари ва фаоллари сўзга чиқдилар.

Ғофур ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ходими.

Мушкулингиз осон бўлади

СССР Кинематография фондининг Ўзбекистон бўлими «Осиё» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб йиллик абонементларни сотувга чиқаради. Мазкур абонемент билан жумҳурият Киночилар уйида ҳар ойнинг иккинчи ярми — шанба ва якшанба кунлари икки мартадан хорижда ва СССРда ишлаб чиқарилган энг яхши бадиий фильмларни томоша қилишингиз мумкин бўлади.

Шунингдек, машҳур киноактёрлар, режиссёрлар билан учрашувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Мушкулим осон бўлсин десангиз, тезроқ абонемент харид қилишга шошилинг. Абонементларни Ўзбекистон кўчаси, 98-уйда ҳар куни соат 15 дан 18 гача сотиб олишингиз мумкин. Йиллик абонементнинг нархи 14 сўм. Буюртмалар учун телефон: 45-32-41.

Татьяна ЖАББОРОВА,
«Осиё» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими.

Эҳтиёткорлик қилинмаса

Машина тор кўчадан елдек учиб бормоқда. Ҳайдовчининг кайфи бор шекилли, руль гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурилади. Кўча четларида эса ёш болакайлар қий-чувлашиб бир-бирларини қувлашиб, ўйнаб юришибди. Шу тобда улардан бири кўча юзига чопиб чиқиб қолди. Катта тезликда келаётган машина болани уриб юборди. Бир зумда атрофни тумонат одам босди. Маҳалла ёшларидан икки-учтаси кайфи бор ҳайдовчини роса «коптоқ» қилишди. Йўловчи машиналардан бири оғзи-бурни қонга беланган болани шифохонага етказишга шошилди. Ҳайриятки, боланинг умри узун экан, қаттиқ жароҳатланса-да, омон қолди.

Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида жумҳуриятимиз катта-кичик автомобиль йўлларида 9822 та авария содир бўлди. Ана шу туфайли 1739 киши ҳаётдан кўз юмди, 10589 киши оғир жароҳатланди. Агар бу рақамларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирадиган бўлсак, авариялар 12 фоизга, ҳаётдан кўз юмганлар эса 19 фоизга кўпайганлиги маълум бўлади.

Йўл транспорт авариясининг ҳар учинчиси болалар иштироки билан содир бўлган. Ўтган етти ой мобайнида 456 ёш болакай ҳаётдан кўз юмишган.

Хўш, авариянинг асосий сабаби нимада? Бу энг аввало йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш, тезликни ҳаддан ташқари ошириш ва транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш билан изоҳланади. Ўтган етти ой ичидагина маст ҳолда машинани бошқариш туфайли 837 та авария содир бўлган. 168 ҳайдовчи оламдан кўз юмди. Ўлганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга кўпайди.

Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
Жумҳурият Давлат автомобиль инспекцияси ходими, милиция капитани.

Ойномани ҳурмат қилинг!

Ҳозирги қайта қуриш ва демократия шароитида бўлаётган айрим воқеаларни тушунмай, ҳайрон қоласан киши. Баъзи бир ишлар худди атайин қилинаётганга ўхшайди. Шу йилнинг 17—20 август кунлари пойтахтнинг «Правда Востока» кўчаси муюлишида жойлашган «Пресса» китоб дўконида Америка ёзувчиси Д. Карнейгининг китобига (китоб русча) қўшимча сифатида «Шарқ юлдузи» жаридасининг 7-сони иккитадан мажбурий равишда қўшиб сотилди.

Мен тушунолмай қолдим, қачондан бери бизнинг бу севимли жаридамиз қўшимча нашрга айланиб қолди. Ахир бу жаридани шаҳримизнинг бошқа рўзномаю-жаридалар билан савдо қиладиган дўкончаларида топиш амри маҳол-ку!

Ўйлашингиз мумкин, балки бошқа миллат вакиллари ҳам ўзбек тилини ўрганишади, деб. Э, қаёқда, энг ачинарлиси, шундаки, бу жаридани харид қилган рус ва бошқа миллат фуқаролари жаридани дўконнинг ичига ёки унинг атрофларига ташлаб кетишмоқда.

Ҳаммамизга яхши маълумки, бу севимли жаридамизнинг 3-сонидан бошлаб Қуръони карим чоп этилмоқда. Ана шу Қуръони карим ҳурмати, фақат топшириқ орқасидангина қувмасдан, уни мусулмон миллати қалин жойлашган ерларга ўрнатилган рўзнома ва жаридалар билан харид қиладиган дўконларга кўпроқ чиқарилса бўлмайдими? Наҳотки бизнинг жаридамиз аллакимларнингдир қўлига тушиб, шундай хор бўлса! Қачон бундай номақбул ишлардан холис бўламиз!

Иззат АҲМЕДОВ,
«Партия турмуши» ойномаси ходими.

Олғирлар

ТОШКЕНТ ТАЙЕРАГОҲ ИДАГИ ЮЛҒИЧЛАРНИНГ ПАЙИНИ ҲЕЧ КИМ ҚИРҚМАЯПТИ.

Ҳаво йўллари марказий агентлигида ёзги мавсум авжига чиққанида кассир Л. Томаринанинг ёнидан 18 та хат, 2848 сўм пул, Москва, Одесса, Ленинград, Киев, Харьков, Львов, Боку, Ереванга ёзиб тайёрлаб қўйилган 44 та билет топилди. Турли йўналишларга учишни бошқариш навбатчиси К. Ҳасанова ғаразли мақсадда жойларни асраб қўйган экан. Кассир Д. Қурбонова билет ниҳоятда танқис бўлган йўналишларга номи кўрсатилмаган билетларни бериб юбораверган. Улар ортиқча нарх билан қўналғада сотилаверган. Шу ернинг ўзида Ғ. Жўраев, Р. Тошмуҳамедов сингари воситачилар ушланди.

Бундай фирибгарлик пайини «Сирена-3» системаси маълум даражада қирққан бўлур эди. У билетни расмийлаштириш билан бирга, шу билан боғлиқ ишларни жумҳурият миқёсида назорат қила олади. Лекин уни ишга туширишга шошилмаяптилар. Бу ерда тартиб ўрнатишга унча қизиқмаётганликлари кўриниб турибди.

Қотил—тўфон

Хитой матбуоти «Яньси» тўфонига «қотил» деб ном берди. Тўфон мамлакатнинг жануби-шарқий соҳилида камида 105 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, фалокат юз берган ерда 800 миллион юан миқдорида иқтисодий зарар кўрилган.

Ҳақиқий «қора олтин»

Қўшма Штатларда нефтнинг нархи кейинги беш йил ичида энг юқори даражага кўтарилди. Бир баррель нефтнинг нархи 31 долларга тенг. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Форс кўрфазидаги танглик бунга сабаб бўлган. Агар у ерда уруш чиқадиган бўлса, жаҳон бозорига Ироқ ва Қувайт илгари етказиб берганидан анча кам — бир кунда 4-5 миллион баррель нефть етказиб берилади.

Шу сонга хабар

Бизнинг мусоҳаба

Камолга етишнинг шартлари кўпдир. Шу шартлардан бири — олий маълумот олиш. Мактаб ёки билим юртини битирган йигит-қиз борки, ана шу шартни бажариш иштиёқида бўлади. Буни фақат табриклаш, қўллаб-қувватлаш керак. Лекин ҳамма ҳам мақсадига эришолмайди. Ва беихтиёр «нега?» деган савол туғилади. Биров кириш имтиҳонларининг мураккаблигини сабаб қилиб кўрсатса, биров қатнашган ўқитувчиларнинг нолийди, бошқа биров сирли қилиб имо-ишоралар билан «таниш-билиш» ва ҳатто пул аралашганини эслатади. Дард деган кўп. Фақат аҳвол сўрайдиган мард топилса бўлгани...

Куни кеча редакциямизга ана шундай кишилардан бири ташриф буюрди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган суҳбатимиз ҳам шу тариқа туғилди.

ИНСТИТУТГА КИРИШ ИМТИҲОНИСИЗ?..

— Норали Норбоевич, сизнинг ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиш ҳақидаги таклифларингизни эшитиб, тўғриси, ҳайрон қолаётирман. Ахир, қинғирликларга имтиҳонлар ҳам тўсиқ бўлмаётган бир пайтда, улар олиб ташланса, бошбошдоқлик, «ура»кашлик, оммавий ёпирилиш авжига чиқмайдими? Умуман, бундай ҳол сифатга салбий таъсир этмайдими?

— Йўқ, аксинча. Ўйлаб кўринг: ўтмишда мадрасага таълим оламан, деб келган кишиларнинг бирортаси қайтарилганми? Тўғри, уларнинг айримлари ўзлаштиришда қийналишган. Шунинг учун ҳам зеҳни ўткирлари мадрасани икки йилда, бошқалари уч, тўрт, беш, етти йилда битиришган. Ҳар кимнинг ўзлаштириш қобилияти ҳар хил-да.

Шунинг учун, менинг фикримча, олий ўқув юртларида ўқиш истагини билдирганларни кириш имтиҳонларисиз, ҳатто, суҳбат ҳам ўтказмасдан қабул қилиш керак.

Нима учун? Чунки имтиҳон олганда баъзи бир объектив, субъектив сабабларга кўра, айрим четга чиқишлар бўлади. Бундан қутилишнинг иложи йўқ. Шу боис ўқув юртларига кириш учун янги тартиб жорий этиш керак. Бундай қабулни уч усулда ўтказиш мумкин. Биринчидан, корхоналар, хўжаликлар, муассасалар юборган талабаларни қабул қилиш. Бунда бир талабани битишга кетадиган харажатнинг энг кам миқдори ҳисоблаб чиқилади. Корхона, ташкилот ёки хўжалик ўзига керакли кадрни тегишли ихтисос бўйича ўқув даргоҳига йўллайди. Дастлаб харажатнинг 50 фоиз миқдорини тўлайди. Иккинчидан, мактабларни олтин ва кумуш медаль билан, билим юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларининг ҳар бир группасига 18-20 фоизгача суҳбатсиз, имтиҳонсиз қабул қилинса. Уларнинг харажатини давлат кўтаради, албатта. Учинчидан, талабаларни ота-оналар ҳисобидан қабул қилиш. Бунда, юқорида айтганимдек, бир талабанинг беш йил давомида ўқиши харажатларининг энг кам миқдори, (масалан), ўқув ишларига, ўқитувчига бериладиган маош, ётоқхона, кутубхона хизматлари харажатлари ҳисобга олинади. Улар 4-5 минг сўмдан ошмайди. (Бу пулни шунсиз ҳам қайси бир ғаламисларга бериб юришибди-ку). Ота-она ушбу маблағни ўқув юрти кассасига тўлайди. Фарзанди эса суҳбатсиз, имтиҳонсиз қабул қилинади.

— Мабодо абитуриент яхши билимга эга бўлмаса-чи?

— Унда ўқув юрти қошидаги тайёрлов курсларидан фойдаланиш керак. Бу курсларда йигит-қизлар саккиз ой тайёрланиб, сўнг талабаликка қабул қилинади. Табиий, тайёрлов бўлимининг ҳам ўз харажатлари бўлиб, унга 300-500 сўм атрофида тўланса, кифоя қилади.

— Талабаларни саралаш қандай бўлади?

— Ҳали айтган эдим, корхона, хўжаликлар талаба ўқув юртига қабул қилиниши билан белгиланган маблағнинг 50 фоизини тўлайди, деб. Талабалар икки йил ўқигач, саралаш бошланади. Бу даврда, кимнинг қандай зеҳн, қобилиятга эгалиги маълум бўлиб қолади. Агар талаба ўртача ўзлаштираётган бўлса уни ўқишни давом эттиришга рухсат берилмайди. Тўлиқсиз олий ёки махсус ўрта маълумот ҳақида диплом берилиб, ишлаб чиқаришга қайтарилади. «Яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўқиётганлар таълим олишни давом эттирадилар ва қолган эллик фоиз миқдоридаги маблағ ҳам институт ҳисобига ўтказилади. Аммо талаба камайгани учун ўқитувчилар штати қисқартирилмайди, аввал, яъни 1-2 курсларда 12-13 талабага бир ўқитувчи тўғри келган бўлса, энди 5-6 толибга бир ўқитувчи нагрузкаси (иш вазифаси) тўғри келади.

Қабулнинг яна бир нозик томонини ҳисобга олиш керак. Айтайлик, айрим болалар бирор хўжалик ёки ташкилот орқали киролмайди, боз устига ота-онасининг ҳам пул тўлашга қурби етмайди. Аммо ўзлари яхши ўқишади. Қабулда улар учун 15-20 фоиз ҳажмда очиқ конкурс қолдириш керак. Ёки айрим болаларнинг очиқ конкурсдан ўтишига шароит йўқ, дейлик. Уни мактабда ҳам, меҳнат жамоасида ҳам билишади. Овора бўлишга ҳожат йўқ, дейишадию, меҳнат жамоаси уларни оталиққа олади. Шартнома асосида улар икки йил жамоа хўжалигида ёки заводда ҳақ олиб ишлайдилар-да, сўнг ўша меҳнат жамоаси ҳисобидан ўқишга юборилади.

— Абитуриентларнинг ихтисослик бўйича танлаши қандай бўлади? Масалан, ҳозир ўқув юртлари ўқитувчилари қабул арафасида вилоятларга чиқишади, бир-икки жамоа билан учрашган бўлишади, маҳаллий радио ёки рўзнома орқали чиқиш қилишади-да, касб йўналиши бўйича иш қилдим, деб ҳисобот ёзишади!

— Бу илм даргоҳларининг айбими? Ҳаётдан, турмушдан, меҳнат жамоаларидан ажралиб қолганлиги ёки ажралиб ҳаракат қилаётгани, халқ хўжалигининг мутахассисларга ҳозир қандай эҳтиёжи борлигини англамаётганидан далолатдир. Аслида, ўқув юртлари мутахассислари бу соҳада кўп иш олиб боришлари керак. Дарсларга кириб, машғулотларда қатнашиб ва бошқа йўллар билан ўқувчиларнинг қобилиятларини аниқлашлари, маълум туманларни ўқувчилик пайтидаёқ ўқув юртига таклиф қилиш, яъни «Сен мактабни битиргач, албатта, бизнинг ўқув даргоҳимизда ўқийсан» деб айтиб қўйиш лозим эди.

Абитуриентлар қабул қилиш баҳордан бошланиши керак. Абитуриентлар ўқув юртларига ҳужжат тайёрлаб юришмасин, техник котибларга ҳам ҳожат йўқ. Барча масалалар жойларда ҳал қилинсин. Ҳозир қабулдаги бошбошдоқлик, қинғирликларнинг олдини олиш учун қилинган айрим чоралар ҳам ўзини оқламаётир. Айтайлик, қишлоқ хўжалик институтларига хўжаликлар шартномаси асосида пул ўтказиб, мутахассисларни, масалан, агрономларни юборади. Аммо улар имтиҳондан, суҳбатдан қайтарилади. Ёки янги тартиб бўйича олимпиада ғолиблари бўлган аълочи ўқувчилар танлаган ихтисосидан имтиҳондан озод қилиниб, бошқа фанлардан имтиҳон топширадилар. Бунда ҳам ўз ихтисоси бўлмаган фандан «йиқилиб», танлаган мутахассислигини эгаллашдан маҳрум бўлиш хавфи мавжуд. Хўш, бундай имтиёзларнинг нима фойдаси бор?

— Кўринадики, сизнинг таклифингизга кўра, ҳамма ўқишни хоҳловчилар ўқиёлади. Бундан, ҳали айтганимдек, «оммавий» ўқиш хавфи келиб чиқмайдими!

— Хўш, фарзандлар ёки катта кишилар мутахассислик олишни истаса, нега рад қилишимиз керак?

Бунинг устига, айрим мутахассисликлар борки, улар кундалик ҳаётда керак. Масалан, медицина, мактабгача тарбия, педагогика ота-оналарга болаларни соғлом ва баркамол ўстиришлари учун зарур. Чет элларда икки фарзандли аёл ишламайди, фарзандлар тарбияси учун таъминотга эга бўлади. Бинобарин кўп болали оила шароитида аёлларимизнинг юқоридаги ихтисосликларни эгаллашлари уларга бола тарбиясида асқотади. Бу мутахассисликларга чегараланмаган миқдорда қабул қилиш керак. Айтайлик, бу ихтисосликка оналар сиртдан ўқиши тўлови учун 2 минг сўм белгиланиши мумкин. Агар институт минг нафар аёлни сиртдан ўқитса, 2 миллион сўм даромад тушуми бўлиб турибди.

— Хўп, сиз айтган тарзда талаба ўқишга кириб, уни муваффақиятли битириб олди, дейлик. Ундан кейин нима бўлади!

— Кадрлар ўқув юртини тугатгач, табиийки, ўзларини йўллаган меҳнат жамоаларига қайтарилади. Агар талаба фақат «аъло» баҳоларда ўқиб, ўз истеъдодини кўрсатган бўлса, уни илмий ходим сифатида ёки аспирантурада олиб қолиш лозим. Ўртача ўқиганларни бу соҳага жалб қилмаслик керак. Натижада, илм билан ҳақиқий истеъдодлар шуғулланадиган бўлади. Ҳозир эса бу соҳада ҳам кўп нарса аралаш-қуралаш. Ўқув юртини ўртача ўқиб тугатганлар ҳам илмий иш соҳасига суқилиб, турли йўллар билан фан номзоди бўлади. Сўнг ялло қилиб юраверади. Шунинг учун ҳам бу соҳада ғирт саводсиз «олимлар» анчагина.

Бизнинг битирув имтиҳонларимизни қаранг, давлат имтиҳони комиссиясининг раиси этиб бошқа шаҳар ўқув даргоҳидан профессор чақирилади. Одатда, у имтиҳонларга бошдан-оёқ кириб ўтирмайди ҳам. Талабанинг билимини ўз ўқитувчиси одатдаги имтиҳонлардек баҳолайверади. Аслида эса кадр кимга керак бўлса, комиссияга ўша ердан аъзолар чақириш керак. Илғор педагоглар, етук мутахассисларнинг бу ишга бош қўшишлари ўринлидир.

Одатда, бизнинг ўқув даргоҳларимизда ўзлаштирмаган талабани курсда қолдириш ёки ҳайдаб юбориш ҳоллари ҳам мавжуд. Юқорида илгари мадрасани биров икки йилда, бошқа биров етти йилда битириб чиққанлигини бекорга эслатмадим. Ёки АҚШда студентлар биринчи курсда ўтилган айрим фанларнинг имтиҳонини IV курсда топширишади. Чунки ҳар ким ҳар хил ўзлаштиради. Бу ерда академик таътиллар муддатини ҳам чўзиш мумкин.

Ҳозирги имтиҳонлар қандай? Ёзма ишлар ҳам, оғзаки имтиҳонлар ҳам ёпиқ, хуфёнадек ўтказилади. Ишлар, керак бўлса, қайта ёздирилади, хоҳлаган тарзда баҳо қўйилади. Агар имтиҳон бўладиган бўлса, ошкора, очиқ жойларда ёки экранлаштирилган хоналарда ўтказилиши, магнитафонга ёзиб олинган ҳам бўлиши керак. Бундай имтиҳонларни жамоатчилик кузатиб туриши лозим.

Агар ушбу тадбирлар амалга оширилса, текисчилик йўқолади. Ойлик маошлари ҳар хил бўлади. Масалан, икки йил ўқиганлар учун алоҳида, ўқув юртини ўртача битирганлар учун алоҳида, «яхши» ва «аъло» битирганлар учун алоҳида ойлик маошлари белгиланади. Ҳозир эса ҳаммаси бир хил маош ва имтиёз олади. Баъзан, «аъло» ўқиганлар қолиб, ўртача битирганлар «илғор», «тажрибали» бўлиб кетишади. Мен бу ҳақдаги таклифларим билан тегишли ташкилотларга мурожаат қилганман. Бизнинг таклифларга амал қилинса, мактабларда ҳам, ўқув юртларида ҳам таълим-тарбия ишлари яхшиланади, ўз-ўзига талабчанлик ошади, ихтисослаш сифати кўтарилади. Ҳозирги айрим (масалан, юрфак) ихтисосликларига жонини жабборга бериб ёпишишларга барҳам берилади, чунки қитмир ниятлар эмас, юрак майли, истеъдод талаби ҳаракатлантирувчи куч бўлади.

З. РИХСИЕВ суҳбатлашди.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Тошкент қишлоқ хўжалик институти кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори Норали Норбоевич НОРБОЕВ билан мухбиримиз суҳбатида ўртага ташланган масала ниҳоятда долзарб эканлигини фарзандлари олий ўқув юртларига кириш иштиёқида бўлган ота-оналар ҳам, олий ўқув юртлари домлалари ҳам жуда яхши ҳис қилишади. Ҳар йили бўлмаса-да, икки йилда бир ўзгариб турган қабул қоидалари ҳам қабул чоғида камроқ тушунмовчилик бўлсин, норозиликлар бўлмасин учун эканлиги ҳаммамизга маълум.

Лекин, афсуски, ҳар йили албатта бир гап чиқади. Кимларнингдир кўнгли тўлмайди, уларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун қанчадан-қанча комиссиялар тузилади, идоралар овора бўлишади.

Норозиликларнинг олдини олиш мумкинми! Мана бугун биз Норали Норбоевнинг таклифларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Сизларда қандай фикрлар бор! Марҳамат, биз билан ўртоқлашинг. Ажаб эмас, кўплашиб ўша тутқич бермас «қуён»ни қувиб, етсак.



Истаймизми, йўқми дастурхонимизнинг тўкин бўлишлигида чорвадор ҳиссаси бор. Шаҳару қишлоқдаям бирдек сут-қатиқ, қаймоқ истеъмол қиламиз. Бу инъомлар осмондан тушмайди. Қайси бир жафокашнинг меҳнати сиңган унга.

Дилоромни олайлик. У ҳам чорвадор. Сут соғувчи. К. Маркс номидаги давлат хўжалигида хизмат қилади.

Эсдан кўтарилаёзибди. Унинг манзили Қарши ноҳияси. Қарамоғида 23 бош сигир бор.

Суратқаш Ж. БОБОРАҲМАТ.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

ФИДОЙИЛИК БЕҲУДАГАМИДИ?

ЛЕВ ТРОЦКИЙ ҚОТИЛИ — РАМОН МЕРКАДЕРНИНГ ТУҒИШГАН УКАСИ УЗОҚ СУКУНАТДАН СЎНГ ИЛК БОР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

(Охири. Боши ўтган сонда).

...Рамон ва унинг оиласи учун Москвада кун кўриш қанчалик машаққат эканлигини англаб, уни Кубага кетишга ундардим. «У ерда ҳаво иссиқ, испанча сўзлашишади, бу сизларга маъқул келади. Бу ер эса сизларга ўгай қитъа», дердим.

Рамон узоқ вақт бунга рози бўлмади. Охир-оқибатда кўнди-да, Фидель Кастрога хат йўллади. У эса зудлик билан келавер деди. Аммо шу орада масъул идорадагилар акамни Кубага қўйишмади. Фақат 1974 йилнинг январида рафиқаси ва болаларига рухсат беришди. Унинг 1974 йил майгача Москвада қолишига тўғри келди. Акамнинг бу ҳолати бамисоли қамоқни эслатарди. Зеро, бу гал бутун борлиғини бахшида этган СССРда юз берарди. Шу боис кун сайин Рамон ғамгинлашиб борарди...

Бир куни унинг Соколдаги уйига бордим. Тақиллатдим. Рамон эса очмасди. Ниҳоят хонага кирганимда тушундимки, у бир ўзи ёлғизланиб қолгач, яна аҳволи оғирлашган ва оёқда зўрға турарди. Шифокорлар унинг ўпкасидаги қон томирлари ёрилганлигини аниқлашди. У базўр нафас оларди. 1940 йилдаги сўроқлар азоби энди ўзини кўрсата бошлаганди. Унинг яқинлари ДХҚни хатлар ва шошилинч номалар билан безовта қилишиб, ёлғиз ва бемор Рамонни бу ҳолда ушлаб туриш инсофдан эмаслигини англатардик. Афсуски, ҳаммаси бефойда. Фидель ҳам ёрдам бера олмади. Фақат 90 кундан сўнг ўша пайтдаги ДХҚ раиси Ю. Андропов марҳамати билан Рамоннинг жўнашига рухсат беришди.

Бизнинг хайрлашишимиз оғир ва сўзсиз кечди. Қалбим у билан сўнгги бор кўришаётганимизни сезиб турарди. Фидель Кастро оролдаги собиқ бойларга қарашли бананлар ва шафтоли дарахтлари сероб бўлган каттакон ҳовлини акамнинг ихтиёрига бериб қўйди. Рамон Фиделнинг энг яқин ва қадрдон меҳмони ҳисобланарди. У яна бамисоли қайтадан тирилиб, ҳатто Ички ишлар вазирлигида маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган ҳолга келди.

20 йил ҳибсда ўтирган «мутахассис» сифатида у маҳаллий қамоқхонадагиларнинг аҳволини яхшилашга ҳаракат қиларди. Бу муаммо уни доимо ташвишга солиб келган. Эсимда, олтмишинчи йилларнинг бошида РСФСРнинг янги жиноят кодекси эълон қилинган эди. Ўша дамда Рамонникига борсам, уни бир ҳолатда учратдим. У кодекс босилган «Правда»ни ушлаганча ўзини қўйгани жой топа олмасди. «Бу қанақаси ўзи, — дея эътироз билдирарди у, — мен 20 йил қамоқда ўтириб, шунчалик ашаддий, адолатсиз, ўрта асрга хос бўлган жиноят кодексини ўйлаб топишларини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Буни «Правда» очиқдан-очиқ эълон қилиши уят эмасми? Улар бу ихтироларини хуфёна сақлашса бўларди!..»

— Москвада яшаганларингизда кўп вақт акангиз билан ўтарди. У албатта қамоқдаги ҳаётини ҳикоя қилган бўлиши, ўша кезда шўро томонидан кимдир унга меҳрибонлик кўрсатгани, қолаверса балки уни қочишини уюштириш хусусида ҳаракатлар бўлганини ҳикоя қилиб бергандир. Бу ҳақда сиз бирор нима биласизми!

— Менга шу маълумки, Рамонни тақдир тақозосига ташлаб қўйишмаган. Мендаги маълумотларга қараганда унга 5 миллион доллар сарф қилишган. Энг яхши адвокат ёллашган. Унга кўмак бериш тариқасида Мексикада алоҳида ташкилот тузишган. Бир аёл ёлланиб, у Рамон бутун қамоқда бўлган чоғида ҳар куни кўлаки таомларни келтириб турган. Гап келганда шуни айтиш лозимки, ана шу ҳиндининг қизига Рамон қамоқхонада уйланган. Унинг ихтиёрида кутубхона, радио, янги рўзномалар бўлган. У зўр бериб ўқиган ва айтиш мумкинки, ҳибсда бўлган чоғида бамисоли қомусчи бўлиб қолганди...

— Менга шу нарса аёнки, онангиз Каридад Меркадер акангизнинг фожиали тақдирида катта ўрин тутган. Шундай эмасми!

— Ҳа, шундай. У Рамонни, мен илгари айтганимдек НКВД генерали Леонид Котов бошлиқ гуруҳга жалб этган. Қолаверса, онам Троцкийнинг уйи олдида турган машинага ўтирганча, Рамонни қотилликдан сўнг мўлжаллаб қўйилган йўл билан олдин Калифорнияга, сўнг у ердан кемада Владивостокка ва Транссибирь магистрали бўйлаб Москвага олиб келиши керак эди. Бу масофани унинг ўзи ўғлисиз, генерал Котов билан босиб ўтишига тўғри келди...

Акам қамоқда ўтирган йилларда онам мунтазам Сталин ва Берияга хат йўллаб, улардан Рамонни қутқаришни сўраган. Рамоннинг ўзи кейинчалик ҳикоя қилишича, 1944-1945 йилларда уни қочириш режаси ишлаб чиқилган. Аммо онасининг эҳтиётсизлиги ва ўз-ўзидан келиб чиққан вазият боис бу амалга ошмади. Акам онамнинг айби билан яна 15 йил бекорга қамоқда ўтирғани учун уни асло кечира олмасди...

1941 йилнинг апрель ёки май ойида онам Каридадни Кремлга таклиф қилиб қолишди. У ўзи билан мени ҳам бирга олиб борди. Михаил Калинин Л. Троцкийни йўқ қилиш операциясида қатнашганлиги учун унга Ленин орденини (қанчалик ўтакетган сурбетлик) топширди. Шунингдек, Берия ҳам онамга ўзининг совғаси — 1907 йилда қўйилган «Напареули» грузин виносидан бир қути юборибди. Унинг устига ёпиштирилган қоғозда рус подшосининг белгиси — икки бошли бургутлар тасвири туширилганди.

Онамни Иттифоқдан уруш пайтида, 1944 йилда қўйиб юборишди. Ўшандан бери у Францияда доимий яшаб, гоҳида болалари ва невараларини кўргани келарди. У ўзига хос мураккаб феъл-атворли, ақли доимо бир хилда бўлмаган аёл эди. Шунга қарамай, у гўзаллиги боис эркакларга ёқарди. Онам сиёсатга муккасидан кетиб, ўзи эридан кетиб қолганди. Умрининг охирида Рамон онамнинг гиёванд эканлигини тан олди. Умуман, акам кўнгилчан ва ҳеч қачон сиёсатга аралашмаган отамиз ҳақида меҳр билан эсларди-ю, бунинг акси онамиз тўғрисида қатъий фикр юритарди.

Иттифоққа онамиз онда-сонда келсада, бу ердаги оғир турмуш тарзи, маҳаллий тартибсизликлардан жаҳли чиқарди. Бу кўпчилик коммунистларнинг икки хил фикр юритиш борасидаги шахсий мулоҳазаларимнинг ҳақлигини исботлайди. Чунки уларнинг ўйи бошқа-ю, сўзи бўлак, ва ниҳоят қилган иши унга бутунлай тўғри келмасди. Мана, онамни олиб қаранг, 82 ёшида Парижда, бошининг устида Сталиннинг сурати билан ҳаётдан кўз юмган чин коммунист, деса бўлади. Аммо тириклигида Иттифоққа қайтиш фикри унда ҳеч қачон бўлмаган!

Ҳар гал келганида унга бу ерда яшаш у тасаввур қилганидек унчалик машаққатли эмаслигини англатиш учун эсимиз кетарди. У Парижда кўниккан қулайликларни муҳайё этиш қўйида бўлардик. Ресторанга бориш машмаша эди. У 30 дақиқа кутишга одатланмагани боис сабр-тоқат қилолмасди. СССРда эса бу оддий ҳол. Келдингми, демак кутиб ўтир. Ёки, эсимда бир гал Гаграда бўлганимизда бир хонани ижарага олдик. Ёқмади. Меҳмонхона талаб қилди. Машаққат билан уни «Гагрипш»га жойлаб қўйдик.

Яна машмаша. Уни шаҳардаги энг яхши меҳмонхоналардан бирида ҳожатхона бутун қават учун ягона эканлиги қониқтирмасди. Ўлими олдидан унинг ўзи шундай деганди: «Капитализмнинг фалокати учун у-бу иш қилдим-у, аммо социализмни қандай қуриш борасида ҳеч вақо тушунмайман...»

— Рамонга ҳам бу икки ёқламачилик хосмиди!

— Биласизми, у эътиқодли коммунист эди. Аммо умрининг охирида у ҳам менимча иккиланиб қолди. Жумладан, 60-йилларда Иттифоққа келган заҳотиёқ ўша йиллардаги энг фаол НКВД ходимларининг кўпчилигини «олишгани»дан воқиф бўлди. Дастлаб Леонид Котов қаерда, деб сўради. Зеро, Котов Испаниядаги НКВДнинг иккинчи шахси ҳисобланарди. Унинг бевосита бошлиғи генерал Орлов эди. Испан кампанияси якунида Орлов Сталиннинг қонли ҳаракатлари авж олаётгани ва кўпгина НКВД ходимлари ҳам йўқ қилинаётганини англаб, Мадриддан АҚШга жуфтакни ростлаб қолади. У ердан Троцкийга хат йўллаб, тайёрланаётган суиқасддан уни воқиф этган. Аммо Лев Давидович бу хатга ишонмай, уни ҳам навбатдаги қўрқитиш, деб қабул қилади. Котов бўлса, «Мексика операцияси»да қатнашиб, Троцкийнинг ўлимидан сўнг Москвага қайтиб келган ва мукофотланганди.

Аммо Рамон келганда у иккинчи бор қамоқда эди. Илк бор у Сталин қамоқхоналарига 1951 йилда тушади. Сталинда агар сен кўп нарса билсанг, демак йўқолишинг керак, деган қатъий фикр бор эди. Котов бўлса кўп нарсалар биларди. Бундан ташқари у яҳудий бўлиб, Сталин эса ўша кезда навбатдаги довдирашни бошидан кечирарди. Л. Котовнинг ҳақиқий исми-шарифи — Наум Эйтингон. Агарда бу ҳам унинг чин номи бўлмаса, ҳеч ажабланмайман. Сталин Котовни қамашга қамади-ю, аммо отишга улгурмади. 1953 йилда унинг ўзи оламдан ўтди. Шундан сўнг тез орада Берия ходимини чиқариб юборди. Аммо 60-йилларда Хрушчев Л. Котовни Бериянинг сафдоши сифатида яна ҳибсга олдиртирди. Юз бераётган ана шу ноҳақликни кўриб турган Рамонда албатта ўзига яраша иккиланиш пайдо бўлгандир. Аммо у қалбидаги ҳар қандай ғалаённи босишга ҳаракат қиларди. У билан айрим кезларда «исёнкор» суҳбатлар қурардик. Масалан, унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини Носир билан бирга берилганини мазаҳ қилардим. «Сени қара-я Рамон, — дердим, — биласанми, сени ким билан тенглаштиришди!..» (Бизга Носирнинг ишхонасида Гитлернинг сурати осиғлиқ туриши маълум эди...)

...Рамон машаққат билан кўз юмган. Ундаги суяк раки кучайиб, 1978 йил 10 октябрда Кубада оғир аҳволда оламдан ўтди.

— Мен шуни аниқ биламанки, акангиз ўлими олдидан: «Бизни боплаб алдашди...», деганини исботловчи гувоҳлар бор. Демак, у ўз фидойилиги беҳуда бўлганини англабдида!

— Бу ҳақда менга ҳеч нима маълум эмас. Зеро, акамнинг сўнгги илтимоси уни Москвада дафн этиш бўлди. Унинг дафн маросимига боролганим йўқ. Рафиқам Галя қатнашган.

Галина Меркадер ҳикояси.

— Ҳамма қовоғи солиқ, диққинафас эди. Аэродромдан унча катта бўлмаган қутичага солинган ҳокни олиб келишиб, олдиндан қазиб қўйилган чуқур олдига қўйишди. Рамоннинг хотини ва болаларидан ташқари биронта танишни учратмадим. Ҳамма бегона ва бир хилда: ёпинчиқлар ҳамда шляпа кийиб олишган. Видолашув нутқлари ҳам бир хил. Испан қаҳрамони ўлди, у ўз умрини Ватанимизнинг порлоқ келажаги, коммунизм иши учун фидо этди. Қора машиналар қатор туришиб, қабристон бекитиб қўйилганди. Ҳокни чуқурга туширишиб, уни кулранг тош билан ёпишди. Мадҳия ижро этилди. Фахрий қоровул осмонга ўқ узди. Тамом-вассалом. Қабр тошидаги «Лопес Рамон Иванович», деб ёзиб қўйилган қалбаки номни кўрган заҳоти ўзимни тутиб тура олмай, ўкириб йиғлаб юбордим...

Сўнг ўн йил мобайнида бу ерга келиб, ёлғиз қабрга қараб турдик, гуллар экдик. Айрим кезларда уни шундай оёқ ости қилишардики, Рамон кўмилган жойни топиш амримаҳол бўлиб қоларди. Мен ҳар гал ДХҚсига қўнғироқ қилиб, «Бирор бир ҳайкал қўйинглар ахир» дея зорланардим. Жавоб эса бир хилда: мармар йўқ, ё пул йўқ... Бир куни чидаб туролмадим, уларга, сизлар ўз генералларингиз учун каттадан-катта ҳайкаллар қўясизлар-у, ўз ҳаётини фидо қилган қаҳрамонга бирон тузукроқ ёдгорлик қўйишни эп кўрмайсизлар, дедим...

...Нима дейиш мумкин? Кунцеводаги қабристонда кўмилган ва коммунизм иши учун беҳуда ҳаракат қилган одам — Рамон Меркадер учун бугунги кунда ҳам ҳайкал қўйилмаган. Унинг ҳоки 1987 йилда қўйилган гранит тош остида мангуликда. Ҳамон унда «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Лопес Рамон Иванович», деган ўзга ном ёзиғлик турибди. Бу ном ДХҚсига киришдаги фахрий тахтага олтин ҳарфлар билан ўйиб ёзилган. Яна бир бош қотирма: «Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари» китобида Рамон Меркадер бирон бир исм-шариф билан қайд этилмаган. У умуман йўқ. У майор вазифасида хизмат қилган жумҳурият армияси сипоҳийлари рўйхатида ҳам қайд этилмаган. Ҳатто унинг туғилиши рўйхатга олинган меҳроб дафтарида ҳам ёзилмаган. Расмий равишда умуман оламда шундай одам ўтган деган белги йўқ...

Қаршимда ўтирган Луис Меркадерга яна бир савол бераман:

— Акангизнинг вафотидан сўнг ҳам очилмаган сир хусусида нима дея оласиз!

— Шуни айтишим мумкинки, бу ҳаққоний эмас. Рамон учун курашиш вақти келди. Ҳозир ўз жонини жабборга берган, ўзи иноган ва ўша ғоя учун яшаган акамнинг порлоқ хотирасига ҳурматсизликни билдирувчи мақолалар, шу жумладан СССРда ҳам кўп чоп этилмоқда. Унга ҳақиқий ўз номини бериш ва ниҳоят бор гапни айтиш даври келди...

— Аммо эҳтимолдан ҳоли эмаски, ошкоралик даврида бор нарса тан олиниб, жумладан Хайме Рамон Меркадер дель Рио сиёсий қотиллик қилиб, жиноятга қўл урганлиги рўёбга чиқиши мумкин. Бунинг учун эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилмайди...

— Акам Рамон Меркадер топшириқ олганди. Уни бажарди, холос.

...Э худо, бу гуноҳкор заминда қачондир яшаган инсонни одамлар рўйхатидан ўчириб ташланиши қанчалик ўкинчли ва фожиали.

А. ПОЛОНСКИЙ,
(«Труд»нинг ўз мухбири).
Мадрид.

«Труд» рўзномасининг шу йил 14-15 августдаги сонларидан И. Усмонов таржимаси.

Хушхабарлар

ЯНГИЙЎЛ биохимия заводида «Ломус» органик-минерал ўғитларнинг тажриба-саноат туркуми тайёрланди. Саноат чиқиндиси ҳисобланувчи лигнин, шунингдек турли қўшимчалар — калий, аммофос ҳамда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг оқава сувлари янги ўғитлар учун асос бўлди.

ФАРҒОНАДА ишлатилмай ётган моллар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сотиш юзасидан кўргазма-ярмарка бўлиб ўтди. Уни Фарғонадаги «Ферганаглавснаб» ҳудудий бошқармасининг тижорат-ахборот маркази ташкил қилди. Ярмаркада Душанбе, Самарқанд, Кустанай, Оренбург, Қўқон ва бир қанча бошқа шаҳарлардаги корхоналар ва ширкатчилар иштирок этишди. Икки кун ичида ярмаркада 600 минг сўмликдан кўпроқ савдо битимлари тузилди.

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатида ёш тўқувчи Лазокат Зулфиқорова ўз касбининг энг яхши устаси деб топилди. У план топшириқларини муттасил ошириб бажаради, сурпларни фақат аъло сифат билан тайёрлайди. Л. Зулфиқорова дастгоҳлар кўп зонада ишлайди ва уларни мустақил созлайди. Натижада дақиқаларни тежаб, шу орқали пландан ташқари минглаб метр газлама ишлаб чиқаради. Яқинда ёш тўқувчи ҳаётида муҳим воқеа юз берди: у коммунист бўлди.

ТОШКЕНТ чарм-мўйна заводида меҳнат шароити яхшиланди. Бу ерда ишлаб чиқаришдаги ҳавони тозалаш қурилмаси ишга туширилди. Бу — корхонани реконструкциялашнинг биринчи босқичидир. Тез орада «Узпромвентиляция» тресги саломатликка энг кўп зарар етказадиган мўйна цехидаги ҳавони чангдан тозалаш бутун системасини созлашга киришади. Бу системани ўрнатиш корхонага 112 минг сўмга тушади. Лекин бу ерда ходимларга нормал меҳнат шароитлари яратиб бериш учун маблағни аяшмайди.

ФАРҒОНА билан қардош жумҳуриятлар пойтахтлари — Фрунзе ва Олмаота ўртасида самолётлар қатнай бошлади. Жамбул авиаотрядининг ЯК—40 самолётлари экипажлари бу ердан ҳафтасига уч марта уча бошлашди. Илгари бу шаҳарларга бориш учун Фарғона ва вилоят аҳолиси аввал Тошкентга учишига тўғри келарди. Бу йил Фарғонадан Новосибирск ва Свердловск шаҳарларига самолётларнинг мунтазам қатновини бошлаш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

КЎҲНА ДАРД

«— Ешулли, нердан қайтиш бу!
— Кўнадай, жиян, Кўнадан...
— Зиёратлар қабул бўлсин!
— Муродлар ҳосил...»
(Хоразмликларнинг суҳбатидан).

ЎТГАН ЙИЛ Кўҳна Урганчга зиёрат қилишимизга тўғри келди. Ёзнинг охирларида бу гўшада Аму соҳилидаги уч вилоят ёшларининг анъанавий дўстлик учрашувлари бўлиб ўтди. Ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқа миллат ёшлардан ташкил топган учрашув қатнашчиларини шаҳар харобалари бўйлаб саёҳат қилдиришди.

Йўлбошловчи — ёшгина туркман қиз ҳар обида олдида ўн дақиқалар тўхтаб, рўпарамиздаги чала ярим ёки умуман вайрон иморат тарихидан сўзлайди, эл орасида асрлар яшаб келаётган афсоналардан бирини айтиб беради. Бутун шаҳар харобалари орасида тасодифан бешикаст қолган ёки яқин ўртада қайта таъмирланган олти-еттита обидани кўриш шундай давом этади. Йўлбошловчи туркман тилида сўзлаётгани учунми ёки бугунда эски обидалар тақдири қизиқтирмай қўйганми, даврадаги кўпчилик вақт ўтиб бораётганидан нолийди. Нигоҳлар бошқа томонда — узоқ-узоқларда. Баъзиларга кечқурун қайсидир хўжалик боғида ташкил қилинган танца қайғу, баъзиларга висол ғами...

Зиёрат — зиёратга ўхшамади. Нари-бери бир соат ичида олти юз қирқ гектар майдонини эгаллаб ётган Кўҳна Урганч шаҳри харобаларини, унинг бугунда амал-тамал қад ростлаб турган мақбара, минора, даҳмаларини «кўздан кечириб», шошилиб автобусларга ўтирдик-да, танца майдончасига жўнадик...

Китобларда ўқиганимиз, дарсликларда чала-чулпа эшитганимиз—Буюк Хоразм давлатининг машҳур пойтахти — Кўҳна Урганчдан ёдда қолган — йигит-қизларнинг чуғур-чуғур суҳбати, ҳамроҳимизнинг чеки йўқ қабристонларни ёлғончи дунё қиёфасига менгзагани, мухтор жумҳурият марказидаги қайсидир маданият уйининг замонавий ансамбли биз қўним топган жамоа хўжалиги боғида тонгга қадар «Мадонна» қўшиғини такрор-такрор айтгани, масалласти йигитлар-у ҳушчақчақ қизларнинг ер тепиб, жазавага тушиб, ўйнаганлари бўлди...

«Билмадим, бу ўрув жаҳонда бойликлари бисёрлиги, аҳолисининг кўплиги, кишиларнинг диний эътиқодга садоқатлилиги, оқ кўнгиллиги жиҳатидан Хоразмнинг бош шаҳри Кўҳна Гурганжга тенг бошқа шаҳар топилармикан. Ёқут, араб сайёҳи, X аср».

АРАБ САЙЁҲИНИНГ гапида муболаға йўқ. Ун аср муқаддам Хоразм империясининг энг қудратли, гуллаб-яшнаган даври эди. Араблар юриши, ислом динининг қабул қилиниши билан биргаликда ташқи дунёга равон йўл очилади, савдо-сотиқ ривож топади, илм-фан ривожланади. Муҳаммад Мусо ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби жаҳонга танилган қомусий олимлар шу тупроқда таваллуд кўрадилар.

Беруний ватани — Хоразмнинг энг йирик шаҳри Катн асов Аму тўлқинлари ювиб кетгач, пойтахт Кўҳна Урганчга — Журжонияга кўчирилади. Қисқа фурсатда шаҳар ҳам энга, ҳам бўйига ўсади. Бир-биридан ҳашаматли, виқорли карвонсаройлар, мадрасалар, мақбара-ю миноралар қад ростлайди...

Айтишларича, ўша даврда Дарғонота қальасидан иморат томига чиққан мушук Кўҳна Урганчга қадар томма-том сакраб борган экан... Уч юз чақирим масофа бу.

Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг кеккайганлиги, калтафаҳмлиги туфайли дунё тараққиётига қудратли куч билан кирган Буюк Хоразм давлати икки йил ичида ер билан яксон бўлиб кетади. Оллоҳи карам муқаддас Ҳадисларда «Мен уларни қаҳру-ғазабимдан яратдим» деганн — мўғуллар энг даҳшатли зарбани Кўҳна Урганчга беришган. Шаҳарнинг мустаҳкам қалъа деворлари, жасур жангчилари уни узоқ вақт ҳимоя қилишади. Мусулмон дунёсида жуда улкан сўфий, тариқатда кубровия оқимининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро шаҳар ҳимоячилари билан бирга қалъа деворлари остида жон беради. Ушанда табаррук қария 72 ёшда бўлган...

Қайсар хоразмликларга шафқат бўлмаган. Мўғуллар омон қолганларни шаҳар чеккасига ҳайдаб чиқиб, қаторлаштириб қўйиб, бошига чўқмор билан уриб ўлдиришган. Солномачиларнинг шоҳидлик беришича, 54 минг нафар мўғул жангчисининг ҳар бири ўртача йигирма беш кишининг жонини олган... Икки юз минг нафардан ошиқ ҳунарманд ва хотин-қиз асир олиниб, мўғул хонлари қозоқ чўлларида барпо этаётган Олтин Урда каби улкан шаҳарлар қурилишига ҳайдаб кетилган. Шаҳарни эса Чингизхон ҳукмига кўра ер билан бир қилиб ўрнига отлар учун тариқ экишган...

Ҳозирги шаҳар вайроналарини Чингизхонга тўнкаб бўлмайди. Икки аср кейин шаҳар қайта қад ростлаган. Айниқса, Кутлуғ Темур хонлиги даврига келиб кўп ўрнида қайта пайдо бўлади. Бир қатор ҳашаматли обидалар қурилади. Аммо, таассуфки, шаҳарни ўша Ёқут кўрган, ҳайратда қолган даражасига олиб чиқиш на Кутлуғ Темурнинг, на кўчманчи сулолаларидан бўлган Хоразм хонларининг ва на... дунёни қайтадан қуришни ният қилган коммунист раҳбарларнинг қўлларидан келмади. Аксинча, вақт шамоллари, ўзаро низолар, биродаркушлик урушлари уни кунаро емира борди. Шу тахлит агарда Помпе вулқон ҳалокатига дучор бўлиб ер юзидан абадул йўқолган бўлса, Кўҳна Урганчнинг бошига ҳам шу қисмат тушди ва у ҳозирги аҳволи — улкан шаҳарнинг улкан қабристонига айланди...

«Мана буни ол. Кўчага борганда уч юз олтмиш авлиё руҳига фотиҳа ўқитасан. Шунда йўлинг бўлади, болам... Энамнинг сафар арафасида айтгани».

БУ ГАЛГИ зиёратимиз қишнинг охирларига тўғри келди. Пойтахтлик ҳамкасб дўстлар Шайх Нажмиддин Кубро қабрини зиёрат қилиш ниятида эканликларини айтишди. Йўлга чиқишдан олдин воҳалик таниқли шоир, ёзувчи, драматург, публицист Эркин Самандар қабулида бўлиб, кўҳна шаҳар тўғрисида, у ерда нималарга эътибор бериш, қайси қадамжоларни тавоф қилиш борасида маслаҳат олдик. Уз тупроғига, боболар меросига меҳри баланд бу инсон Кўҳна Урганч харобалари ҳақида гапирганда товуши титрагандек бўлди...

Кўҳна Урганчни воҳаликлар «Уч юз олтмиш» деб атайдилар. Гўё шу маконда уч юз олтмиш нафар авлиё дафн этилган. Билмадик. Аммо, Шайх Нажмиддин Кубро, Фахриддин Розий, Султон Вали, Пирёр Вали каби бутун мусулмон дунёсига таниқли инсонлар номи билан боғлиқ қадамжолар, мақбаралар бор бу ерда. Айни пайтда халқ «Қирқ мулла» деб номлайдиган улкан тепалик ҳам азиз-авлиёлар ўтган жой — X-XII асрларда дунёга машҳур олимларни етказиб берган Маъмун академияси харобалари ўрни. Улкан тепалик устида ва ён бағирлари қабрларга тўла. Шу ерда таҳсил олган, дунё таниган, имон-эътиқоди бут кишиларга ҳурмат рамзи кейинчалик одамларда авлиёсифат кишилар ёнида ётиш, фоний дунё салафларининг руҳига яқинлашиш ниятини туғдирган...

Маъмун академияси харобалари ўрнида қазишмалар ўтказилмаган. Маҳаллий аҳоли археологларга қабристонни қазишга рухсат беришмаган. Бу афсона эмас, тепаликнинг ёнбағридаги кичкина тешикчага қулоқ тутсангиз, инқирдан ғала-ғовур эшитилади, гўё улкан ҳужрага йиғилган юзлаб талабалар қироат қилишмоқда...

Бутун шаҳарнинг ўзи улкан қабристон. Тепа-тепа бўлиб ётган қайсидир бир мадраса, мақбара, карвонсарой, балки даҳма ўрнида ўтўланлар ўсган. Ҳамма ёқда сонсиз ғишт синиқлари, турли сопол буюмлар, биноларга ишлатилган рангин нақш ушоқлари. Энг даҳшатлиси ҳар қадамда суяклар. Инсон суяклари...

Бундан атиги беш йил муқаддам музей-қўриқхонага айлантирилган эски шаҳар харобаларида ўнқир-чўнқир қазишма ўрни кўп учрайди. Кимлар илм ғамида, кимлар қимматбаҳо танга қайғусида бел урган бу ерларга...

Узоқ-яқиндан ташриф буюрадиган сайёҳлар учун шаҳар харобаларининг бир қисми кўргазмага қўйилган. Яъни мазкур қисмига асфальт йўл ётқизилган, йўл-йўлакай иморат, обида ўрни эканлиги ҳақида кўрсатма тахта қўйилган.

Кўҳна Урганч харобаларида сақланиб қолгани ёки охирги беш йилликда наридан-бери таъмирлаб одам кўрса чидайдиган қилингани — бир қўл-бармоқлари билан санаса бўладиган обидалар — Карвонсарой, Ил Арслон даҳмаси (Фаҳриддин Розий хилхонаси), Султон Текиш мақбараси, Кутлуғ Темур минораси ва Тўрабекхоним мақбараси... Минорадан ташқари ҳаммаси яқинда таъмирланган ҳамда айримларида бу жараён ҳамон, жуда секинлик билан давом этмоқда.

Академик Якубовский асримизнинг йигирманчи йилларида шаҳар вайроналари ўрнида қазишмалар олиб борган. Қўлга илинган, илм-фан учун нимаики қимматбаҳо ашё, асори-атиқа борки олиб кетилган. Тилла буюмларни қўя турайлик. Ҳозирда мазкур қазишмалар натижасида топилган буюмлар, ашёлар мамлакатимизнинг қайсидир музейларини безаб турибди. Кўҳна Урганчда эса бирорта музейнинг ўзи йўқ....

Ўтган йили Буюк Ипак йўли юриши қатнашчилари шаҳарда бўлишди. Шу баҳонаи сабаб таъмирлаш ишлари сал жонлангани, айрим раҳбарларнинг эътиборига тушгани сир эмас... Бўлмаса Шайх Нажмиддин Кубро мақбараси ўттиз йил аввал авария ҳолатига келган, унинг гумбази қулаб тушганди. Бу ерда ҳаракат куни кеча бошланди. Ҳозирча таъмирчилар мақбаранинг теварагини ковлаб суяк санаш билан оворалар...

...Керагидан ортиқ мағрурсиз, Ватани бор одамдай худди!

Муҳаммад Солиҳ.

КЎҲНА УРГАНЧ — сталинча миллий чегараланиш оқибатида ҳозирги Хоразм вилоятидан юз чақирим нарида — Туркманистон жумҳуриятининг Тошҳовуз вилояти ҳудудида қолиб кетганини эслатиб қўямиз. Қадим-қадимдан ўзбеку-туркман аралаш яшаётган бу гўшада боболарнинг қадим бебаҳо меросига эътибор берилмаяпти, дейиш ноўрин бўларди. Иқтисодий инқироз бутун Иттифоқни, жамиятнинг ҳамма соҳаларини чирмаб олган замонда, болалар очликдан, катталар касалликдан қирилаётган Оролбўйи музофотида экологик ҳалокат чидаб бўлмас даражага етган пайти қадим харобаларни тиклаш учун маблағ талаб этиш ҳам инсофдан бўлмас... Аммо, қайта қуриш дегани сароб бўлиб чиқмаса, бозор иқтисодиётига ўтиб, жаҳоннинг бақувват давлатлари билан савдо-сотиқни йўлга қўяолсак, Буюк Ипак йўли қайта «тирилса» — бир кун келиб Қувайт каби давлатларни қувиб етишимиз мумкин бўлар... Ўшанда амирқолик қора танли қўшиқчи Майкл Жексон каби саҳийлик билан маймунга икки юз миллион доллар васият қилиш имконига етишар кимдир... Ва минг йиллик тарихни — босқинлар, ҳалокатлар, лоқайдликлар туфайли ерга кўмилиб, хор-зор ётган тарихни тиклаш имкони етишар...

Демак, ҳозирда ҳеч бўлмаганда борини борлигича сақлаб қола билишимиз керак. Кўҳна Урганчнинг олти юз гектардан ортиқ музей — қўриқхона тасарруфидаги майдонда, иморатлар қабри — тепаликлар устида қўй-мол боқиш одатий ҳодиса. Наҳотки, уни муҳофаза қилиш имкони йўқ?

Шу ерлик ишчилар экскаватор-тракторлар билан турли жойларда қазишма олиб боришяпти. Нимага? Ҳеч ким айтиб бераолмайди. Экскаватор ҳар уюм тупроқни прицепга юклаганда инсон суяклари атрофга сочилади...

Мўғуллардан шаҳарни қаҳрамонларча ҳимоя қилган жангчиларнинг суякларидир балки бу суяклар?..

Музей-қўриқхона раҳбари Яхшимурод Аширов кўринишидан яхшигина йигитга ўхшайди. У ишга энди киришилгани, самарқандлик усталар таъмирлаш ишларини олиб боришаётгани, аммо гоҳ маблағ, гоҳ хом ашё йўқлигидан тўхтаб қолишаётганини айтади. Бутун умидини Буюк Ипак йўли юриши қатнашчилари жаҳон афгор оммаси эътиборига ташлайдиган мурожаатга боғлайди.


Ходимларимиз кам, дейди у. Умуман, шаҳар тарихи тўла ўрганилмаган, сайёҳлар учун китобчалар, йўл кўрсаткичлар йўқ. Йўлбошловчиларимиз ёш, тажрибасиз. Уқиган-эшитгани асосида тушунтириш ўтказадилар. Ихтиёримизда на транспорт, на бино бор. Ҳаммамиз эски бир вагонда макон тутганмиз. Шундай аҳволда Яхшимуроддан яхши ишлар кутиш кулгили... Қадим Хивага ташриф буюраётган юз минглаб сайёҳларнинг жуда оз қисмини Кўҳна Урганчга олиб боришади. Сайёҳлар кўпайиши, уларнинг маблағини маҳаллий ҳукуматга қолдириш масаласини ҳал қилиш — бу борадаги ишлар олға силжиши, таъмирлаш равон йўлга қўйилишига замин яратган бўларди. Зеро, Хива, — Кўҳна Урганч — Ўнг қирғоқ қалъаларини (бу қалъаларнинг бугунда сақлангани юздан ошиқ) ўз ичига олган «Қадимги Хоразм — Олтин халқа» сайёҳлар маршрути ташкил этиш мумкин эмасми?


ЖУДА МУМКИН!

Кўҳна Урганчнинг кўҳна дардига даво топиш бир вилоят ёки бир жумҳуриятнинг иши эмас. Бу вазифани Ўзбекистон ва Туркманистон шўролар жумҳуриятлари Маданият вазирликлари, бошқа тегишли идоралар ҳамкорликда ҳал қилишлари керак.

Зеро, Кўҳна Урганч — бу бизнинг умумуйимиз, умумтарихимиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.









СУРАТЛАРДА: Кўҳна Урганч харобаларининг кўриниши.

Жумабой ҚОЗОҚ суратлари.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Мухбиримиз Туркманистон ССР ҳудудида жойлашган Кўҳна Урганч шаҳри харобалари хусусида куйинчаклик билан ёзган. Ўзаро миллий масалалар «нозик нуқта»га келиб қолган ҳозирги шароитда буни бошқа бир жумҳуриятнинг «ички ишларига аралашиш» деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Зеро, муаллиф таъкидлагандек, бу — «бизнинг умумуйимиз, бизнинг умумтарихимиз». Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви, унда кўтарилган масалалар, иқтисодий алоқаларни тағинда мустаҳкамлаш, биргаликда ҳаракат қилиш-қадим халқларнинг дарди, муаммоси, орзу — истаги якдил шароитда жуда улкан, эзгу иш бўлди.
Мақолага худди шу нуқтаи назардан қараш тўғри бўлади.

Хорижддн хабарлар

Долзарб шарҳ

Эски ва янги нуқсонлар

Шарқий Европа мамлакатларида рўй бераётган жиддий ўзгаришлар иқтисодиётга ҳам, сиёсатга ҳам ва ҳатто тарихий воқеаларга баҳо беришга ҳам дахл қилмоқда. Маъмурий-буйруқбозлик системаси бузиб ташланмоқда, социализмнинг ақидапарастликка асосланган андозаси тугатилмоқда. Совет Иттифоқи билан муносабатларда сталинизм даврида вужудга келган хато ва камчиликлар бартараф этилмоқда. Бироқ шиддатли воқеалар гирдобида ифлос кўпиклар ҳам сув юзасига чиқиб қолмоқда. Шарқий Европада шовинистлар бош кўтармоқда, улар аввалги ҳукмдорларга нисбатан янада муросасизлик билан ўзгача фикрловчиларга қарши кураш олиб боришмоқда, коммунистларни заҳарлашмоқда. Улар авж олдираётган советларга қарши ҳис-туйғулар кўпинча чегарадан чиқиб кетмоқда.

Венгрия, Польша, Германияда фашистлар билан жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасини кўпчилик олдида таҳқирлаш, оёқости қилиш ҳоллари ҳам рўй бериб турибди. Қаерлардадир нацизмга қарши кураш қатнашчиларига ўрнатилган ёдгорликлар йўқ қилиб ташланмоқда. Совет солдатларининг Берлин, Гдиня шаҳарларидаги, Будапешт яқинидаги мозорлари оёқости қилинмоқда. Бошқа томондан олганда эса Гитлернинг ҳамтовоқларини, Шарқда нацистларнинг жиноятларида қатнашган кишиларни ўрнидан турғазишга уринишлар бўлмоқда.

Яқинда Будапештда Кальман Кери деган кимса эски генерал мундирини кийиб олиб, Венгрия парламенти минбаридан туриб адмирал Хорти армияси Совет Иттифоқида «адолатли уруш» олиб борганлигини эълон қилди, чунки у коммунизмга қарши жанг қилган эмиш. Венгрия демократик анжумани ҳукмрон фирқасининг парламент фракцияси бошлиғи Конья янги Хортининг позициясидан чиқишдан бош тортди. Венгрия ҳукуматининг намояндалари Керини ўз фикрини «нотўғри айтганлиги» учун унга танбеҳ бердилар, холос.

Керининг жанжал келтириб чиқарган нутқи Венгрия жамоатчилигининг норозилигига сабаб бўлганлигини адолат юзасидан таъкидлаш лозим бўлади. «Европада бундай нутқларга чидайдиган парламенти бўлган давлат бўлиши мумкин эмас», — деб ёзди Будапештда чиқадиган «Непсабадшаг» рўзномаси. Керини бундай баёноти учун Ғарбий Германияда ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этган, эҳтимол судга берган бўлур эдилар, деб таъкидлади рўзнома.

Худди шу Венгрияда собиқ ҳарбий асирлар уюшмасининг раиси Й. Чек Совет Армияси 1941-45 йилларда асир олган Хорти армиясининг барча аскар ва офицерларига асирда ўтказган ҳар бир ой — 8-12 минг форинт миқдорида товон тўланишини талаб этди. Айни вақтда, Чекнинг таклифига асосан, бундай товон пулини на Венгрия ҳукумати, на Германия маъмурияти, балки... Совет Иттифоқи тўлаши керак эмиш.

Совет кишилари хортичиларнинг қайси «савобли ишлари» учун уларга товон тўлаши керак? Иккинчи жаҳон уруши тарихидан маълумки, 1942 йилнинг ноябрида Венгрия жазо бўлинмалари немислар билан биргаликда Брянск вилоятининг Людиново ва Дятково ноҳияларида тинч аҳолидан 2000 кишини йўқ қилиб юбордилар, 500 та уйга ўт қўйдилар. Германияга 5000 кишини мажбурий ишларга ҳайдаб олиб кетдилар. Бу хортичиларнинг бизнинг заминимизда қилган бирдан-бир жинояти эмас. Улар Воронеж ва Суми вилоятларида, СССР ғарбидаги бошқа бир қанча ноҳияларда қутириб, ваҳшийлик қилган эдилар.

Венгрия янги Хортилари ана шу Совет вилоятлари аҳолисига алоҳида солиқ солинишини ва муқаррар жазодан қутилиб қолган жаллодлар улар ҳисобидан хотиржамлик билан қарилик гаштини сурishини наҳотки хоҳлашаётган бўлишса?

Венгрия парламентининг депутати К. Кери гитлерчилар гўё Венгрияни СССРга қарши урушга мажбур қилишмаган, балки Хортичи аскарлар ватанпарварлик туйғуларига асосланиб Шарққа юриш қилдилар, деб тасдиқлади.

Далил-исботлар унинг бу гапларини мутлақо йўққа чиқаради. Хортичилар армиясининг СССР ҳудудидаги жанговар кайфияти жуда паст эди. Уруш даврида хортичилар асосан руминиялик иттифоқдошлар билан қилган доимий қуролли тўқнашувлари оқибатида шуҳрат таратишган эди ва бу Германия қўмондонлигига кўп ташвиш келтирганди. Сталинград жанги даврида Донда мудофаага ўтган 2-Венгрия армияси 1942 йилнинг ноябрида дастлабки зарбалардан кейин оқилона кейиш тутиб қочиб қолган эди, бу билан совет қўшинлари Харьков ва Днепропетровскка боришлари учун йўл очишганди. Бу хортичиларнинг Гитлерга қарши уюшма мамлакатлари ғалабасига ғайриихтиёрий қўшган ҳиссаси бўлди. «Немис тарихчиси Хайнц Шретер Хортичи жангчилар ҳақида «Сталинград» деб номланган китобида шундай ёзади: «Хортичиларга қарши руслар мисли кўрилмаган даражада шиддат билан ҳужум қилганларида, уларнинг миллий феъл-атвори урушнинг бу қадар қаттиқ синовларига дош беролмади. Улар одатда ниҳоятда қатъий ҳужумкорлик руҳи билан йўғрилган катта куч олдида бир неча соат ўтгандан кейин курашни бутунлай тўхтатар эдилар».

Бу ерда гап, ўз-ўзидан маълумки, венгерларнинг Шретер айтаётган миллий феъл-атвори ҳақида кетаётгани йўқ. Улар ўтмишда ўз мамлакатларининг чинакам манфаатларини ҳимоя қилиш хусусида гап борганида юксак жанговар кайфиятларини неча марталаб намойиш этишганди. Иккинчи жаҳон уруши даврида венгерлар нацистлар Германияси учун ўз жонларини хавф остига қўйишни хоҳламадилар, холос. Бу нарса уруш вақтида совет қўшинларига асир тушган хортичи аскарларнинг ниҳоятда кўп эканлиги билан ҳам исботланади. Асирга тушганлар 513787 киши эди.

Дарҳақиқат, сталинизм ва турғунлик даврида Совет-Венгрия муносабатларида кўп муаммолар тўпланиб қолди. Бироқ, ўтмишдаги уруш хусусида қасддан тўқиб чиқарилаётган уйдирмалар, миллий адоват, қасоскорлик Шўроларга қарши жазавани авж олдириш бу муаммоларни ҳал этишга кўмаклаша олмайди. Венгер халқига хос бўлган соғлом фикр охир-оқибатда устун келишига ва Совет-Венгрия муносабатлари тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва иккала мамлакат манфаатларига риоя этиш асосида муваффақиятли ривожланишига умид қилгимиз келади.

Владимир БОГАЧЕВ,
(СИТА).

Партияга аъзо бўлиш ҳар кимнинг ўз иши

СОФИЯ, 23 август. (СИТА мухбири Андрей Смирнов). Болгария Халқ Жумҳурияти Ички ишлар вазирлиги София бошқармасининг ходимлари Болгария Социалистик партиясига аъзоликни тўхтатдилар. Уларнинг фикрича, партияга аъзо бўлиш ҳар кимнинг шахсий ишидир.

Ички ишлар вазирлигидаги энди партиясиз ҳисобланган ходимларнинг БТА агентлиги тарқатган баёнотида вазирликнинг партиядан ташқари тусда бўлиши қўллаб-қувватланади. Унда сиёсий қарашларнинг чинакам хилма-хиллиги ва парламент демократияси шароитида ички ишлар министрлигидаги иш бирор партия ёки сиёсий ташкилотга аъзоликка тўғри келмайди, дейилади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ ЯХШИ ОНА-ОТАДИР

● АНГЛИЯДА ўтказилган «Ибратли она» конкурсида қатнашиш учун бир ота ҳам келди. Унинг исми — Ричард Пет. Одатда, оилада ёш болаларни она тарбиялайди, лекин Ричарднинг рафиқаси Жеральдиннинг ойлик маоши эриникига нисбатан бирмунча ортиқ бўлгани учун ота «уй бекаси» вазифасини ўзига олди. Ричард ҳар куни она бажарадиган барча юмушларни қойилмақом қилиб бажаради: кир ювади, дазмол босади, овқат тайёрлайди, тикади, бир ёшли ўғлини боқади, тўрт яшар қизчасини боғчага олиб боради. Жеральдин турмуш ўртоғидан жуда миннатдор, ҳатто уни конкурсда иштирок этиши учун ёздириб келди. Ричард Пет мусобақада муваффақиятли қатнашди. У «Ибратли она» унвонига рақобат қилувчилар бўлган 12 аёл ўртасида фахрий ўринлардан бирини эгаллашга муяссар бўлди.

ЯНА ЧЕКИШГА ҚАРШИ

● ГАННОВЕР шаҳри банк эгалари чекишга қарши курашнинг антиқа усулини топдилар. Улар маҳаллий рўзномалардан бирида, ҳар куни чекиш учун сарф қилинадиган пулни бирорта банкка қўйиш тўғрисида эълон чоп этишди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, банкда ўз ҳисобини очган киши кексайганда бир миллионга яқин маблағ йиғиши мумкин экан.

ИЧДИНГМИ — ҲАҚИНИ ТЎЛА!

● ЯҚИНДА Уганда пойтахти — Кампала шаҳрида ҳаётда кам-дан-кам учрайдиган воқеа содир бўлди. Оньяго исмли киши «Энгули» деб аталувчи қўлбола спиртли ичимликни тўйганча ичиб, ҳақини тўламасдан қочиб кетмоқчи бўлади. Унинг номардлигидан қаттиқ ғазабланган сотувчи Роза Асенди Оньягонинг қорнини бор кучи билан тишлаб олади. Ҳаммаёғи қонга беланган Оньяго дарҳол касалхонага жўнатилади, тишлаш ҳақидаги иш эса судга оширилади. Суд мажлисида ҳакам икки томоннинг арзини эшитгач, қуйидаги ҳукмни чиқарди: «Спиртли ичимлик ичиб, ҳақини тўламаганлиги учун Оньяго Роза Асендига 1200 Уганда шиллинги миқдорида жарима тўласин».

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижддн хабарлар

27 август—Совет киноси куни



Ольга Кабо кино оламига саккизинчи синфда ўқиб юрганида Одесса киностудиясида суратга олинган «Ва ҳаммаси такрорланади» фильми билан кириб келганди. У ёшлигиданоқ киноактриса бўлиш ҳақида ўйлар, орзулар, изланишлар уни тарк этмасди. Шепкинский номли билим юрти қошидаги театр мактабини битказиб, Бутуниттифоқ кинематографчилар институтига кирди ва севимли актёри Сергей Бондарчук қўлида таълим олди. Таниқли актёрнинг иқтидорли шогирди бўлиб етишди.

У ижро этган роллар жуда кўп ва хилма-хилдир. Лекин бари бирдек севимли. У ҳар битта ролни ўзи дублёрсиз ўйнашга ҳаракат қилади ва шунга эришади. «Квентина Дорварда» фильмида отда чопишга тўғри келиб қолди. Ольга отчопарга бориб отда чопишни ўрганди ва бу ҳозир унинг севимли машғулотига айланган.

Унинг таниқли актриса бўлиши учун саёҳатлар жуда кўп ёрдам берди. Бир қарасангиз Ленинградда, дам Москвада ёки Афинада. Ольга ҳозир Олмония Федератив Жумҳуриятида биргаликда суратга олинаётган «Рицар қалъаси» фильмида суратга тушмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ольга Кабо. Актриса «Рицар қалъаси» кинофильмида.

Т. КУЗЬМИНА (СИТА) суратлари.



Экран ва орият

«Ёш ленинчи» рўзномаси муштарийларига бир масала юзасидан мурожаат этиб, маслаҳат сўрамоқчи бўлиб юрганимга бир ярим-икки йил бўлди. Лекин ана шу мурожаатномани ёзишга ҳеч қўлим бормасди. Сабаби — баён этмоқчи бўлган муаммони ҳал этиш йўлини билмаслигимдан эди. Ҳозир ҳам қисман шундай — қуйида кўтариладиган масалани ечиш учун қандай тадбир қўллаш кераклиги ҳақида аниқ фикр юритиш қийин туюлади. Эҳтимол, биргаликда маслаҳат билан иш тутармиз?!

Кўча-куйда, метрода, бозорўчарда оппоқ соқоллик отахонлар, онахонлар менга мурожаат этиб не мулоҳазаларга бориб бир чеккага таклиф этадиган, эски қадрдонлардек дилларидаги гапни айтадиган вақтлар кўп бўлади. «Болам, сиздан гинам бор. Ўғлим, келиним кинога олиб боришади. Ёнма-ён ўтирамиз. Беадаб, шарманда аёлларни экранда кўрсатишади... Айтсангиз, бўлмайдими — бизда одоб, ор-номус қадрланишини. Уйга келсанг Москвада олинган худди шундай йигит ва қизларнинг юзини очиб юборадиган, биз қарияларни ерга қаратадиган кўрсатувларни телевизорга қўйишади. Шуларнинг ичидасиз-ку, айтсангиз бўлмайдими?» — деб ҳам койишади, — ҳам илтимос қилишади. Кинокўрсатув олиб боришимни назарда тутиб бундай мулоҳазалар айтилишини биламан. Илтимосларни фильмларни ижарага берувчи идораларга, видеосалон мутасаддиларига етказганман. Лекин бу ўринда фақат гап, ўзаро суҳбат билан иш битмаслиги ҳам аён бўлиб қолди.

Минг афсуслар бўлсинки, яланғоч аёллар ҳақида катта йиғинларда ҳам, торроқ доираларда ҳам сўзлаш ҳеч ғайри-табиий туюлмай қолди. Уларнинг расмлари рўзномаларда (ҳаттоки «Советский спорт»да ярímяланғоч аёлларнинг фотосуратлари тез-тез учрайди) чоп этилиши ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Дарвоқе, таажжубга келганлар ҳам бор. Улар ким денг? Иттифоқимизга келаётган америкаликлар! Улар кундалик матбуот саҳифаларида (бир-икки махсус рўзномаларда эмас) бундай суратларни кўриб ҳайратга келмоқдалар. АҚШдаги «Плейбой», «Пентхаус» каби порнографик нашрлар ўз саҳифаларига биз юқорида айтган суратларни бажонидил киритардилар, деб айрим совет рўзномаларига бўлган муносабатларини билдирмоқдалар. Айни бир вақтда шу мамлакатнинг жиддий рўзнома ва жаридаларнинг биронтаси бундай беодоб фотосуратларга ўрин ажратишга рози бўлмаслигини қайд этмоқдалар. «Болтимор сан» (АҚШ) рўзномасининг Москвадаги мухбири Скотт Шейн айтишича, «7-11» номи билан машҳур бўлган Америка универсамлари уятсиз суратларни сотишдан воз кечиб, уларни эгаларига қайтиб берганлар. Маълум бўлишича бу савдо корхоналарига харид қилиш учун келадиган ота-оналарнинг талаби шундай бўлган. Харидорлар ёш болалар беодоб расмларни кўришларини хоҳламаганлар. Талаб бажо келтирилган.

Яна бир мисол. Совет ёшларининг кундалик ҳаёти, кайфияти, режалари, қайғу-аламини ёритиши лозим бўлган ва кўп ўринда бундай вазифани адо этаётган рўзнома «Комсомольская правда»нинг икки мухбири Таллинда кўрган томошалари — стриптиз (яъни катта залда йиғилганларнинг олдида аёллар ечиниши)ни кўриб завқ олганлари ҳақида ёзади (21 июль 1990 й.) ва ўша ўзларини кийим-кечакдан ҳоли этган Анжела Машкова, опа-сингил Лена ва Наташа Крушинадан интервью олиб «Эротика ҳам санъат-ку! Яна қанақа санъат денг!» каби сўзларни айтади.

Бахтга қарши бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Экранда ҳам, матбуотда ҳам бундай ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз суратлар, стриптиздан олинган таассуротлар пайдо бўлиши одат тусига кириб бораётган экан, демак уларнинг — мазкур рўзнома ҳамда фильмларнинг жумҳуриятимизда тарқатиладиган миқдорини чеклаш ҳақида ўйлаш керакдир.

Ҳозир ижодкор мавзу ва эстетик шакл танлашида эркинликка эга бўлган ва ҳар бир фильмга сарфланган ҳаражатларни қоплаш талаб этилаётган дамда бундай асарлар пайдо бўлаверади. Уларнинг тобора кўпайиб бораётган оқими йўлида тўғоноқ пайдо бўлиши учун аввало санъатни, кинони пулга, кинотеатрлардан тушадиган даромадга боғлаб қўйиш сиёсатини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Шу билан бирга кинотеатрлар, клублар, айниқса видеосалонлар репертуарини назорат остига олишни, уни кучайтиришни ҳеч кечиктириб бўлмайди. Айтиб ўтганимиздек, хориждаги (хусусан АҚШдаги) каби эротика унсурларига эга бўлган «Кичкина Вера», «Арлекино», «Интер қиз», «Район миқёсидаги ФВ» ва айрим ўзбек фильмлари махсус белги (ном ёки категория) олиши ҳамда биз юқорида айтиб ўтган фақат махсус кинотеатрларда кўрсатилиши керакмикин?

Масаланинг яна бир нозик томони бор. Гап томошабинларнинг дидини тарбиялаш, киноэстетика асосларини мактаб ҳамда олий ўқув юртларида ўрганиш ҳақида кетаяпти. Фикримизча, ёшлар миллий адабиётни ўрганиши, чуқур ўзлаштиришига эндиликда қанчалик жиддий аҳамият берилаётган бўлса, кино, ойнаи жаҳон, мусиқа, тасвирий санъат сирларини, уларнинг имкониятлари ҳамда чегараларини билишга шунчалик эътибор қилишига эришиш зарур кўринади.

Сиз нима дейсиз, азизлар! Фильмларни, студияларни иқтисодий мустақилликдан қутқариш, кинолентапарни тарғиб қилишда юксак бадиийлик талабларини ёдда сақлаш, айни бир вақтда, томошабин малакасини ошириш... Яна қандай тадбир қўллаш керак, фикрингизча? Бу мавзуда рўзнома саҳифаларида, телевизион кўрсатувда баҳслашиб бир фикрга келармиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
киношунос.



ДИҚҚАТ:
БОЛАЛАР ЧИЗГАН РАСМЛАР КОНКУРСИ

ОЛАМНИНГ ЖАМИКИ ГЎЗАЛЛИГИ

Қадрли болалар! «Советская женщина» ойномаси, китоблар кўргазмалари ва ярмаркалари Москва бош дирекцияси ҳамда «Прогрессор» ёшлар фан-техника ижодкорлиги Волгоград маркази ёш рассомларининг навбатдаги «Оламнинг жамики гўзаллиги» Халқаро конкурсини эълон қиладилар. Мавзуни ўтган конкурс совриндори қурнялик О ын Бель исмли қизча ўйлаб топган. «Келинг теварак атрофимизга боқайлик! — деб таклиф қилди у. — Бизни ўраган оламда қанчалар гўзалликлар! Уни ёмғирнинг кичик томчисида ҳам, гулнинг япроқларида ҳам, оналарнинг мулойим табассумида ҳам кўриш мумкин». Конкурсда 15 ёшдан катта бўлмаган ўғил-қизлар қатнашиши мумкин. Расмнинг орқа томонига ишнинг номини, ўз исм ва шарифингизни, ёшингизни, жинсингизни, уй манзилгоҳингизни аниқ қилиб ёзинг.

Энг яхши ишлар 1991 йил майидан бошлаб ойномамизда босила бошлайди, сентябрда эса Москва ва Совет Иттифоқининг ҳамда хорижий кўргазмалар залларига VIII Халқаро китоб кўргазмаси стендларига жойлаштирилади.

Конкурс ғолиблари мукофотланадилар.

Биринчи мукофот — ота-оналарнинг бири билан Москвага сафар. Конкурс ҳакамининг энг яхши ишлар қаторига қўшган ёш рассомларнинг расмлари эсдалик дипломлар, китоблар, совғалар билан тақдирланади. Булар орасида Днепропетровск ўйинчоқлар заводининг махсус соврини бор.

Расмларни қуйидаги манзилга жўнатинг: СССР, 125267, Москва шаҳри, Миусская майдони, 6-уй.

«Советская женщина» ойнома таҳририяти.

ПИРУ-БАДАВЛАТ БОБО

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Ульянов ноҳиясидаги Равот қишлоғи аҳолиси ўзларининг энг кекса юртдошлари тўйини нишонлаш учун кўпчилик бўлиб келишди. Шу куни Шоди бобо Иброҳим туғилган кунга 100 йил тўлган эди. Ўғли Бўрон ҳам отаси билан биргаликда ўзининг олтмиш йиллигини нишонлади.

Байрам жуда қувноқ ўтди — қўшиқ ва рақслар ижро этилди, Аскиябозлар ва қизиқчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Шоди бобо байрамда меҳмонларга ўз хотираларидан ҳам сўзлаб берди. Чунки у қанча ҳикоя қилса, шунча арзийдиган воқеаларни бошидан кечирган. Ахир бир асрнинг юзини кўриш осон эмас-ку! Шоди бобо инқилобга қадар бойнинг қўлида батраклик қилган. Сўнг инқилобий ҳаракатда фаол қатнашган, босмачиларга қарши жанг қилган. Улуғ Ватан уруши йилларида фронт учун ишлади, пахта экди, уни парваришлади. Урушдан сўнг қўриқ ерларни ўзлаштиришда қатнашди. Оқсоқолнинг ўғли Бўрон эса, мана қирқ йилдирки, қишлоқ болаларига таълим беради.

Шоди бобо узоқ умр кўришнинг сири нимада, деган саволга шундай жавоб қайтарди:

— Агар инсон инсонларга хос яшаётгандек туюлса ҳам, унинг одамлар олдида ва ўз виждони олдида қарзи жуда кўп бўлади. Бундайлар орасида ўз яқинларини ўйлаётган ва айни вақтда ўзи ҳам ёрдамга муҳтож бўлганлар бор. Фарзандлар ва набираларни ўстириш, уларни тўғри яшашга, одамларни ҳурмат қилишга ўргатиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Умримнинг маъносини мен ана шунда кўраман.

(ЎзТАГ).

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

КЕЧИРИМ СЎРАШДИ...

Ҳамма бало СССР футбол Федерациясининг Минскка йўллаган телеграммасидан бошланди. Олий лига чемпионати ўйинлари жадвали бўйича 21 август куни Белоруссия пойтахтида Москванинг «Спартак» ва Минскнинг «Динамо» командалари учрашишлари керак эди. Лекин кутилмаган бир парча қоғоз барча футбол мухлисларининг, қолаверса, жумҳурият футболи мутасаддилари ҳамда команда ўйинчиларининг кўнгилларини хира қилди. Ахир белгиланган ўйиннинг қолдирилиши... Ҳатто мухлислар орасида мамлакат чемпионатини бойкот қилишга чорловчилар ҳам топилди!

Бундай кўнгилбузар воқеалар футбол оламида жуда кўп бўлиб туради. Доимо ҳар хил баҳоналар ўйлаб топилади, ҳам. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини «сайил ўтгач» қани қайси бир мухлисга тушунтира оласиз. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Ниҳоят, СССР Футбол Федерацияси раиси В. Колосков «Советский спорт» рўзномаси орқали кеча бутун белоруссиялик минг-минглаб футбол мухлислари, шунингдек «Динамо» командаси ўйинчилари олдида йўл қўйилган хатони тан олди. «Спартак» ва «Динамо» командалари раҳбарлари ўртасида бу ҳақда аввалроқ гап-сўз бўлиб ўтгани, лекин динамочилар ўйинни кечиктиришга рози бўлмаганликларини айтишгани раиснинг бу хатида батафсил баён этилган...

Ажабо, «Спартак» учун ўша кунги қолдирилган ўйиндан кўра Испанияга бориб футбол ўйнаш эвазига 50 минг доллар пул ишлаш афзаллиги энди ойдин бўлди. Бир ёқда хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш керак. Нима бўлганда ҳам мухлис аҳлини алдамаслик керак эди.

Хуллас, «Спартак» 21 август куни Минскда «Динамо» билан эмас, балки Барселона шаҳрида «Эйндховен» клуби билан майдонга тушди. Афсуски, спартакчилар 2:1 ҳисобида мезбонларга ютқазиб қўйишди...

* * *

Биринчи лигада иккинчи давранинг навбатдаги тур ўйинлари якунланди. (Афсуски, бокулик футбол мухлислари орзиқиб кутган меҳмонлар — Кемеровонинг «Кузбасс» командаси ўйинчилари самолётга билет бўлмаганлиги сабабли Озарбайжонга учиб боролмадилар?) Ўйинлар натижалари қуйидагича: «Металлург» — «Қайрат» — 4:1, «Зенит» — «Локомотив» М — 1:1, (бу ўйинлар 22 август куни ўтказилган) «Таврия» — «Котайк» — 2:1, «Кубань» — «Геолог» — 4:0, «Динамо» Сх. — «Шинник» — 0:3, «Локомотив» (энди бу шаҳар номи Горький эмас, Нижний Новгород деб аталадиган бўлди) — «Динамо» Ст — 1:0, «Факел» — «Ростсельмаш» — 3:0, «Тирас» — «Спартак» — 1:0.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Спартак»	24	15	5	4	50—19	35
«Металлург»	24	13	8	3	38—15	34
«Пахтакор»	23	14	4	5	42—26	32
«Динамо» Ст.	24	13	4	7	30—20	30
«Шинник»	24	12	5	7	35—25	29
«Локомотив» М	23	11	7	5	29—17	29
«Нистру»	24	9	7	8	28—30	25
«Динамо» Сх.	22	9	5	8	14—18	23
«Нефтчи»	23	8	7	8	34—29	23
«Факел»	24	9	4	11	26—30	22
«Котайк»	24	7	8	9	23—27	22
«Таврия»	24	5	12	7	20—21	22
«Геолог»	24	7	7	10	22—31	21
«Ростсельмаш»	24	7	6	11	23—36	20
«Зенит»	24	6	8	10	25—27	20
«Локомотив» НН	24	6	8	10	21—33	20
«Тирас»	24	6	8	10	19—33	20
«Қайрат»	24	6	7	11	25—33	19
«Кубань»	23	5	5	13	12—30	15
«Кузбасс»	22	3	5	14	13—29	11

Тўшакдаги пуллар

(ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ)

Манзуранинг сўнгги илинжи — дори-дармонга узатган қўллари шалвираб тушди. Турмуш ўртоғи Асқарнинг ичкиликдан сарғайган башарасида, сўниқ кўзларида нафрат пайдо бўлди;

— Мана сенга дори, — у қўли билан оғзини кўрсатди, — берган пулинг менинг «дорим»га зўрға етди. Ҳиқ...

Манзуранинг тўшакка михланган вужудидаги оғриқ сезилди. Эсиз кун бўйи кутганлари. У ўзини тепасида масхараомуз ишшайиб турган Асқарга сўз айтишдан тийди. Барибир фойдасиз. У тушунмайди. Бир дақиқа шипга термулиб тургач, жонсиз оёқларини силаб ўтирган қизчаси Гулҳаёга илтижоли ёлворди:

— Майли, мен дори ичмасам гўрга, шунча чидаган яна бир кунга ўлмасман, отангни жойига ётишига кўмаклаш, қизим. Ташқаридан жомни келтириб қўй, бўлмаса кечагидек ҳамма ёқни... Туроқол қизалоғим, илдамроқ бўл.

Манзура унсиз йиғлади. Оғир дард боис ич-ичига чўккан кўзларидан аччиқ ёшлар думаларди. Аяжонисининг пинжига тиқилиб ўтирган, эндигина 6 баҳорни қаршилаётган Шавкатжон дам отасига, дам онасига мўлтираб қўрқа-писа деди:

— Пенса пулингиз ҳам қолмади-ку, аяжон, энди дорини нимага оламиз?

Манзуранинг бемажол озиб-тўзиб кетган қўллари беҳол тепага кўтарилди. Сўнг беҳудуд тангликка кўзлари жовдираб, ўзича йўл ахтараётган ўғилчасининг бошларига базўр етди.

— Ташвиш қилма, ўғлим, сен катта бўлсанг ишлаб пул топасан, ўшанда кўп дори-дармон олиб келасан, мен албатта тузалиб кетаман.

...Қўшни хонадонда қиз узатилаётган эди. Сурнайнинг ёр-ёр навоси Манзуранинг умидсиз кўнглига ширин армон олиб киргандек бўлди, ўзини ҳам карнай-сурнайлар садолари остида узатиб келишгани ёдига тушди. У шу топда хаёллар оғушида танасидаги дардни бир зум унутгандек бўлди. Чеҳрасига маҳзун табассум ёйилди.

— Бор ўғлим, тўйни томоша қил. Борақол, болам, кун бўйи рангимга тикилавериб эзилиб кетдинг. Кўнглингни ёзиб кел.

Тўйхона. Ҳамма хурсанд. Юзларда шодон кайфият. Шавкатнинг эътиборини даврада қушдек енгил ўйнаётган аёл тортди. Ажабо, аясига жуда ўхшар экан. Фақат аяси озиб, қоқ суяк бўлиб қолган. У ҳозир ўйнай олмайди. Боз устига, уни адаси алдагани-алдаган. Дори-дармон олиб келаман деб, аясининг пенсиясини ҳам адо қилди.

Етти кундан буён шу аҳвол, ичиб келади. Аяси эса дорига муштоқ. Туну кун инқиллайди, бечора.

Шавкатнинг кўзлари даврадаги аёлнинг қўлларидаги пулга тушди. Оғир хўрсинди. Шу пулларнинг озгинаси унда бўлганида эди аясига ҳозироқ опачаси билан дорихонадан дори-дармон олиб келган, бўларди. Эҳтимол шундан кейин, оёққа туриб кетар, ўйнаётган аёл сингари аяжониси ҳам рақсга тушармиди?!

Болакай ўйнаётган аёлга маъюс тикилганича анча муддат туриб қолди. Унинг мурғак тасаввурида раққоса онаси бўлиб гавдаланди. Аёл жилмайганича уни икки қўлидан тутиб даврага олиб чиқди. Болакай даврада қўлларини белларига тираганича унга ҳамоҳанг ўйинга тушди.

— Ия, бу Асқар пиённинг зиндаси-ку. Ўйнашини қаранглар.

— Ундай дема. Пиён бўлсаям эркак экан, мажруҳ хотин билан 6 йилдан буён муроса қилиб келяпти. Сен унинг ўрнида бўлганингда борми, уйингни тополмаган бўлардинг. Яша ўғлим, ма, олақол, бу пул сенга...

Шавкат безатилган стол атрофидаги меҳмонларнинг суҳбатини эшитмасди. Унинг иккала жажжи қўллари ҳам пулга тўлиб кетганди. Бирдан нимадир эсига тушди-ю, тўйхонадан отилиб чиқди.

— Ая, аяжон, энди сиз албатта тузаласиз, опам иккимиз ҳозироқ дори олиб келамиз. Мана пул...

У аяжониси бошида баралла овоз чиқариб йиғлаётган опаси Гулҳаёга кўзи тушгач, анграйганча туриб қолди. Сўнг онасининг бағрига отилди.

— Аяжон кўзингизни очинг. Мана пул олиб келдим. Унинг қўлларидаги сўмлар тўшакка сочилиб кетди...

Сайёра ЙЎЛДОШЕВА.
Пискент ноҳияси.

ТВ

26 АВГУСТ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 «Денгиз шунқорлари». Бадиий фильм («Мосфильм»). 11.40 Н. Рўзимуҳаммедов. «Яраш-яраш». Йўлдош Охунбобоев номидаги жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.45 Спорт кўрсатувлари: 1. «Ёш спортчилар мактаби». Кураш. 2. «Қуёшли ўлка маршрутлари». Олис йўллар чорлайди. 13.55 «Алифбо сабоқлари» почтасидан (такрор.). 14.25 «Деҳқон юмушлари». 14.55 «Қалбимга қулоқ сол». Тўра Сулаймон лирикаси.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

Қувноқ ўтсин таътиллар

18.05 «Тинка-Паутинка», «Бужорел — пион ҳақида афсона». Мультфильмлар. 18.25 Ўсмирлар учун. «Санъат ғунчалари». 18.55 «Сиҳат — саломатлик». СПИД касаллиги ва унинг олдини олиш. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ёшлар ижросида концерт. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ёш аёл учун эркак». Бадиий фильм («Озарбайжонфильм»). 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.30 «Спорт ҳамма учун». 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Здоровье». 12.45 «Мусиқий киоск». 13.15 «Шамол оҳанглари». «Эл виенто канта» фольклор ансамблининг чиқиши (Перу). Улан-Удэдан кўрсатилади. 13.55 Шеърият лаҳзалари. 14.00 «Геннадий Гладков». Фильм-концерт премьераси (Ленинград). 14.50 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 16.05 «Ўсимликлар саргузаштлари». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 5-серия — «Ўрмон подшоси», 6-серия — «Дарахтга тирмашиб». 16.55 «Марафон-15».

Якшанба кинозали

18.25 «Айниган оби ҳаво». Мультфильм. 18.55 «Таймсквер болалари». Бадиий фильм (АҚШ).

20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Бельгия телевидениеси совет экранида.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм (1—4-фильмлар). 8.25 Шахтёрлар кунига ҳужжатли фильмлар: «Диққат: КАТЭК», «Секундантни излайман». 9.05 «Ўрмонда тўй». Телевизион бадиий фильм («Литва телефильм»). 10.10 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Даврлар синовидан ўтган дўстлик» («Қорақалпоқфильм»), «Мунгли осмон» (Киев). 11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.00 Талабларингизга биноан такрорланади. «КВН-90». Донецк Политехника институти ҳамда Горький автозаводи командаларининг учрашуви. 13.35 «Экранда — «01» хизмати». Ёнғиндан сақланиш ҳақида фильмлар.

14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 «Оила». 18.30 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. Финал. «Портлед» — «Детройт». 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сувдаги саргузаштлар». 19.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 19.50 «Шарқий Сибирь». Киножурнал. 20.00 И. Демарин куйлайди. Киевдан кўрсатилади. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 МТ хазинасидан. «Тони Веннеснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Молдова-фильм»). 23.10 Волейбол. В. И. Саввин хотираси учун халқаро турнир. Эркаклар. Биринчи ўрин учун матч. Таллиндан кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д — 235510.